



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
10-dekabr
chorshanba
№ 47 (1473)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

ЭЪТИРОФ

Ли Чан У:

Ўзбекистон жаҳон тарихида алоҳида ўрин тутадиган давлатга айланмоқда



Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонаси томонидан Тэжон шаҳрининг стратегик аҳамият, фан ва технология соҳасидаги ютуқлари, Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлари, таълим соҳасида яратилаётган имкониятлар ва алмашинувлар ҳақида шаҳар ҳокими Ли Чан У билан “Дунё” ахборот агентлиги мухбири суҳбатлашди.



— Тэжон катта шаҳар, унинг Жанубий Кореядаги стратегик мавқеи ва иқтисодий салоҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Тэжон Жанубий Кореядаги фан ва технологиялар маркази саналгани учун кўпинча “Фан пойтахти” деб аталади. Хукумат томонидан молиялаштирилган 27 тадқиқот институти Тэжонда жойлашган. У Корейнинг электроника, телекоммуникация, биотехнология ва миллий мудофаа саноати каби асосий соҳаларни тадқиқ қилувчи институтларни ўз ичига олади, магистр ва докторлик даражасига эга тахминан 30 минг нафар тадқиқотчи ишлайди.

Шунингдек, Тэжонда яримўтказгичлар ва батареялардан тортиб, сунъий йўлдошлар, робототехника, квант ҳисоблаш ва ядровий синтез энергиясигача бўлган турли хил тадқиқотлар маркази мавжуд. Шу боис шаҳримизни “Жанубий Корейнинг мияси” деб аташ мумкин.

— Сизлардаги фан, технология ва таълим соҳасидаги асосий ютуқлар омили нимада?

— Айтишим керакки, Тэжон Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти — “WIPO” томонидан дунё даражасидаги фан ва технология шаҳри сифатида тан олинган. 2024 йил ҳолатига кўра, фан ва технология интенсивлиги бўйича Осиёда биринчи, дунёда еттинчи ўринда туради. Юртимизнинг келажақдаги ўсиш механизми бўйича тадқиқотлар шаҳримизда давом этмоқда. Яқиндан бери

квант ҳисоблаш билан боғлиқ асосий тадқиқот институти Тэжонда кенг қўламли тадқиқотлар олиб бормоқда. Мудофаа саноатида ҳам сезиларли даражада ўсишни бошдан кечирмоқда ва бу соҳада асосий тадқиқот институти шу ерда жойлашган.

Кейинги 10 йил ичида Тэжон мамлакатимизнинг энг бой шаҳрига айланиши кутилмоқда. Шаҳримиз олти стратегик соҳага эга: аэрокосмик, биосоглиқни сақлаш, яримўтказгич, мудофаа, квант ва робототехника. Ушбу стратегик соҳалар тез ўсишни бошдан кечирмоқда ва Тэжон келажақдаги ўсиш механизмига етакчилик қилиши кутилмоқда.

Тэжонда 29 та биокорпорация рўйхатга олинган ва шаҳар Корея биосаноатида муҳим роль ўйнайди. Шаҳар ушбу инновацион технологиялардан фойдаланиб, стартаплар ва етакчи компанияларга айлана оладиган истеъдодларни ривожлантиришга туртки бермоқда.

— 2025 йил октябр ойида Ўзбекистонга ташриф буюришни режалаштирган эдингиз, ammo у турли сабабларга кўра бекор қилинди. Тэжон ва Ўзбекистон ўртасида худудлараро алмашинув ва ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қандай режалар мавжуд?

— Яхши биламизки, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат. Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона ва ҳамкорлик муносабатлари йил сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда тахминан 170 минг корейс миллилатига мансуб аҳоли яшайди. Бу ра-

камлар муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

2022 йилда Сирдарё вилояти ҳокими Тэжонга ташриф буюрган эди. Уша пайтда кўп-кўп аҳамиятга келишувларга эришилган. Биз ҳам шу йил октябр ойида Ўзбекистонга ташриф буюришни режалаштирган эдик. Бироқ жадвалдаги тизим вақт туфайли ташриф амалга ошмай қолди. Мен доим кераксиз ташрифлардан кўра, амалий, мақсадли чора-тадбирларни афзал биламан. Келгуси йил имконият бўлиши билан, албатта, юртингизга ташриф буюраман.

— Тэжондаги олий таълим муассасалари ўзбек талаба ёшларига қандай имкониятларни тақдир қилади?

— Ҳозирда Тэжондаги университетларда тахминан 13 ярим мингга яқин хорижлик талаба таҳсил олмоқда. Шундан 420 нафари ўзбекистонлик. Бу талабаларнинг Тэжонда тадқиқот олиб бориши, магистр ва докторлик даражаларини олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳатто иш фаолиятини йўлга қўйиши учун ҳам имкониятлар мавжуд.

— Келажақда икки мамлакат ўртасида ёшлар ва маданий алмашинув дастурларини жорий этиш бўйича фикрингиз қандай?

— Аввало, биродар ва дўст шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик жуда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашим керак. Мен маданият, санъат ва спортнинг барча соҳаларида алмашинувларни ривожлантириш тарафдориман. Тэжон шаҳрида симфоник оркестр, рақс

ансамбли ва хори, анъанавий мусиқа гуруҳлари, умуман, турли хил санъат йўналишида марказлар фаолият юритади. Мунтазам равишда маданият ва санъат бўйича халқаро тадбирлар ўтказилиб келинади. Масалан, Тэжон “Midnight” халқаро фестивалида Ўзбекистон санъат намояндлари ҳам иштирок этиши мумкин.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Президентининг фаол ва узқоқни кўзлаган минтақавий сиёсати туфайли нафақат ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, балки минтақа ривожига тўқинлик қилаётган кўп йиллик келишмовчиликларга барҳам беришга муваффақ бўлинди. Айнан Маслаҳат учрашувлари форматидagi мулоқот давомида бахсли масалаларни, шу жумладан, давлат чегараларини делимитация қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун асослар яратилгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида Озарбайжоннинг ҳам саммитга қўшилганини эшитдим. Бу минтақанинг дипломатик имкониятларини янада оширишга замин яратади. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки Жануби-Шарқий Осиё ва Шимоли-Шарқий Осиёда ҳам кўп-кўп мамлакатлар билан алоқаларда муҳим ўринга эга.

Ўзбекистон Марказий Осиёдан ташқарига чиқиб, жаҳон тарихида алоҳида ўрин тутадиган давлатга айланмоқда.

“Дунё” АА.

ЭКОЛОГИЯ

ТАБИАТ ОЛДИДАГИ ВАЗИФА ВА МАСЪУЛИЯТ

Пойтахтимиз ва бир қатор худудларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолати юзага келгани ҳар биримизга тоза атроф-муҳитнинг кадр-қийматини яна бир қарра намойиш қилиб кўйди. Ён-атрофимиздаги экологик муаммоларга безътибор бўлмасликни, табиат ва яшилликни асраш зарурлигини ёдимизга солди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда турли кўри-нишдаги экологик муаммоларнинг инсон саломатлигига ҳавф-хатари ортиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янгиланган Конституциямизда илк бор ҳар бир шаҳсининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи кафолатлаб кўйилди.

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда турли йўл ва усуллар қўлланилади, лекин улар

ичида энг муҳим восита ҳуқуқий муҳофаза ҳисобланади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Сапаргул Утемураева. — Барқарор ривожланиш ва табиатни асраш учун асосий пойдевор айнан ҳуқуқий механизм.

2-6.

АЧЧИҚТОШ

ТАЗЙИҚ

ёхуд Оҳангарон шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори Наргиза Боймирзаевани ғайриқонуний ишдан бўшатиш “кампанияси” ҳақида

Оҳангарон туманлараро фуқаролик суди судьяси Дилнавохон Бегматова фуқаролик иши юзасидан суд музокараларини ўтказиб бўлгач, суд маслаҳатда қилишни эълон қилди.

Ҳаяжонли дақиқалар...

Тарафлар эса ўзларича фикр қилишмоқда.

Даъвогар Наргиза Боймирзаева суднинг адолат ва холислик билан иш юриштига қатъий ишонади.

Жавобгар томон ҳам ўзлари ғолиб чиқишдан умидвор, шекилли, бир-бирига қараб мамнун жилмайишади.

Ва ниҳоят, судья ҳал қилув қарорини эълон қилди:

“Даъвогар Боймирзаева Наргиза Мирзаахматованинг даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 2025 йил 27

июндаги 400-“к” сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилсин.

Боймирзаева Наргиза Мирзаахматовна аввалги иши — Оҳангарон шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига ишга тиклансин...”

Жавобгар томон, яъни Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг суддаги вакиллари суднинг ҳал қилув қароридан беҳад норози бўлиб, “биз албатта, апелляция шикоятни берамиз” деб суд залидан ғазабланиб чиқиб кетдилар.

Наргиза эса хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай қолди. Унинг дилидан энди булар яна нималарни ўйлаб топишаркан деган хавотирлар кечди ва хаёллари уни узоқ-узоқларга олиб кетди...

...Мана шу мактабда бир пайтлар ўқиган завқли кезларини ширин ўртанишлар билан эслади... Мехрибон онажониси, раҳматли Марзия опа худди мана шу мактабнинг хурматли педагогларидан бири эди. Падари

2-6.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“ГУЛИСТОН” ЖУРНАЛИ — 100 ЁШДА!



Куни кеча пойтахтимиздаги “Амарант” маросимлар залида “Гулистон” журнаlining 100 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

4-6.

ОБУНА — 2026

2026 йил учун обуна қизгин паллада. “Hurriyat”га албатта обуна бўласиз деб ишонамиз!

Чунки хур фикр, эркин мушоҳада минбари бўлган энг яқин дўстингиз —

“Hurriyat” дир!
Унутманг, эшитиш, кўриш керак, лекин газета ўқининг завқи бошқача!

Обуна индекси: 233

ТААССУРОТ

ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ РИВОЖИНИНГ УЗВИЙ МАНЗАРАСИ

Маълумки, ахборот асрида журналист қалами жамият тафаккуруни уйғотиш, адолат мезонини мустаҳкамлаш ва давлат сиёсатида белгиланган янгиланишлар руҳини халққа етказишда муҳим ўрин эгалламоқда. Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматовнинг “Янги Ўзбекистон бунёдкори” китоби айна шундай вазиятда журналист шахсининг моҳиятини, унинг жамиятдаги ўрни ва масъулиятини яна бир бор терең аниқлаб берувчи асардир. Мазкур илмий-публицистик китобда нафақат мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мафкуравий асослари, балки миллий матбуотнинг асосий вазифаси — сўз орқали давлат ва жамият ўртасида адолат кўпригини қуриш гоёси ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган шаффоқлик сиёсатининг мазмун-моҳияти, миллий кадрлар тайёрлашга қаратилган стратегия ҳамда медиа соҳасидаги замонавий ёндашулар асарда ҳаёт ҳақиқати ва илмий-амалий таҳлиллар асосида намоён бўлади. Шу ўринда асарда Ўзбекистоннинг ҳоржий матбуотдаги обрўси ва медиадаги эътирофи ҳам алоҳида қайд этилган. Хусусан, “Жанубий Кореянинг “The Korea Time” журнали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни “2018 йил одами” деб эълон қилди. Мамлакатимиз раҳбари сиёсий йўналиш бўйича голиб деб эътироф этилди” (33-бет).

Таъкидлаш жоизки, “Янги Ўзбекистон бунёдкори” номли мазкур сиёсий эссе мамла-

катимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш борасида Президентнинг стратегик раҳнамолиги, шунингдек, кейинги етти йиллик тараққиёт истиқболларининг моҳиятини ёритиб берувчи муҳим адабий-илмий асар ҳисобланади. Китобда инсон тафаккурудаги янги босқич — ҳақ сўз ва адолат мезонини таянадиган миллий журналистиканинг сиёсий-ижтимоий вазифалари кенг қамровда таҳлил қилинган. Муаллиф айна жараёнда матбуот олдига турган муаммоларга ҳам тўхталиб, “бировни кўра билмаслик, биров устига маъзава ағдариб, маҳфият-бозлик...”ни (31-32-бет) қоралаган ҳолда миллий журналистиканинг ҳақ сўз ва пок ниятга таянишини устувор шарт сифатида кўрсатади. Шу ўринда асарда келтирилган Абдулла Қодирийнинг матбуот ва матбуотчиларга қарата XX аср бошида айтган куйидаги фикрлари бугунги замонавий матбуот ҳодимларимиз учун дастуруламал бўлмоғи жоиз:

“Янги билиш керакки, қалам — ўқлов ва матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирга келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат эмасдир. Сўз қолип, фикр унинг ичига кўйилган ғишт бўлсин. Кўпчилик хумдонидан пишиб чиққанча, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!”

Демак, муаллиф юқоридаги фикрлар асосида журналистни фақат ахборот тарқатувчи эмас, балки Ватан тақдирига дахлдор, халқ дарду орзусини юрагида ҳис этадиган, сўз билан адолат ва ҳақиқат ўртасида мувозанат қарор топтирувчи маърифат посбони сифатида талқин этади. Шу боис асарда журналистика қудрати ҳақидаги фикрлар нафақат назарий, балки тарих сабоқлари ва янги Ўзбекистонда

амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ тарзда баён этилган. Айна шу жиҳати билан асар давлат сиёсатининг ўзига хос мафкуравий ойнаси, миллий журналистиканинг эса келажакка йўлланмаси сифатида юксак эътирофга лойиқдир.

Асар икки бобдан иборат бўлиб, улар ўзаро мазмунан боғланган ҳолда замонавий Ўзбекистон журналистикаси тамойиллари ва бунёдкорлик жараёнини изчил ёритган. Сиёсий эссенсинг “Ҳақ сўз қудрати ҳар қандай атомдан кучли” деб номланган биринчи бобда сўзининг ижтимоий куч сифатидаги роли, журналистнинг масъулияти ва ҳақиқатни ёритишдаги матонати ҳақида сиёсий-фалсафий қарашлар баён этилади. Муаллиф сўз эркинлигининг тарихий шаклланиши, жадидлар давридаги мафкуравий уйғониш, миллий матбуотнинг илк қадамлари ҳамда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ислохотлари даврида сўзнинг янги қудратини чуқур таҳлил этади. Сўзнинг атомдан кучли деб баҳолаши — журналистнинг жамият ривожига ҳақ сўзни айта олишидаги жасорат ва матонати рамзидир. Муаллиф бу бобда миллий матбуот тараққиётининг ўтган аср бошларидан бугунги кунгача бўлган босқичларини таҳлил қилар экан, жадид алломалари, олимлар ва соҳа фидойиларининг сиёсий ва ижтимоий иллатларга қарши курашда илгари сурган гоёларнинг аҳамиятини ёритиб боради. Шунингдек, медиа соҳасидаги давлат сиёсати ҳам илмий-назарий нуқтаи назардан баҳолашиб, давлатимиз раҳбарининг миллий контент борасидаги қарашлари алоҳида таъкидланади. Зотан, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Миллий контент — дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга

миллат манфаатини асосли ҳимоя қилиш орқали муносабат билдириш, очиқ ва ҳаққоний фикрларни баён қилиш дегани” (53-бет).

Китобнинг “Журналист — Ватан ҳимоячиси, умрини бунёдкорлик ишига бағишлайди” деб номланган иккинчи бобда журналистнинг фақат ахборот тарқатувчи эмас, балки мамлакат манфаатлари, унинг истиқболлари йўлида масъулиятли фаолият юритувчи тарихий ва замонавий шахс сифатидаги қиёфаси ёритилган. Бобда ҳақиқий журналист шахсига оид чизгилар ҳам ёритилиб, “ҳақиқий журналист мукофот ёки совға кутиб ишламайди. Журналист — ёлғон ва маддоҳликдан ҳаё ва номус қилувчи, рост сўзлаши ва ёзиши шарт бўлган ботир инсондир. Матбуот ва сўз эркинлиги таъминланган юртда тафаккур мушоҳадалари тез ривожланади” (107-бет), дея мазкур касбнинг юксак масъулияти янада аниқ акс эттирилган.

Мазкур бобда журналист шахсининг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, янги гоя ва инновацияларни илгари суриш ҳамда маърифат ва маънавий тарбияни кучайтириш вазифалари таҳлил қилинган. Хусусан, “Yangi O'zbekiston” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг куйидаги фикрлари Янги Ўзбекистон гоёси сифатида талқин қилинади: “Журналист — бу нафақат дунё янгиликлари жарчиси, айна пайтда унинг ўзи янгилик, ҳар бир гоя-фикри инновация!” (58-бет).

Бугунги ёш авлод учун “Янги Ўзбекистон бунёдкори” китобининг илмий-маърифий аҳамияти шундаки, асар миллий матбуот тарихи билан замонавий медиа сиёсати ўртасида мукамал боғлиқликни намоён этади ва журналист масъулияти, маърифат, ҳақиқат ва адо-



лат гоёлари орқали ёшларимиз қалбида фидойиллик ҳиссини уйғотади. Айна маънода, жадид алломаларимизнинг мафкуравий меросини янги давр стратегик гоёлари билан уйғунлаштирилади, жамият тараққиётида миллий журналистиканинг асосий вазифасини намоён қилади.

Умуман, профессор Карим Норматовнинг “Янги Ўзбекистон бунёдкори” асари миллий матбуот тарихи, сиёсий эссеистика ва замонавий коммуникацияни бирлаштирган ҳолда ўзбек журналистикаси ривожининг узвий манзарасини акс эттиради. Асар журналистлар, сиёсатшунослар, медиа тадқиқотчилари, талабалар ҳамда давлат ва жамият соҳасида юз берган ва юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган барча ўқувчилар учун муҳим илмий-амалий манбадир.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети ректори,
сиёсий фанлар доктори (DSc),
профессор.

ТАЗЙИҚ

ёхуд Оҳангарон шахридаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори
Наргиза Боймирзаевани ғайриқонуний ишдан бўшатиш “кампанияси” ҳақида

1-6. Бугунги кунда ушбу мактабда 1666 нафар ўғил-қиз таълим олмақда, уларга эса 98 нафар олий маълумотли педагоглар таълим-тарбия беришмоқда.

2024 йили мазкур таълим маскани вилоят мактаблари орасида голиб бўлиб, энг намунали мактаб деб топилди.

Наргиза Боймирзаева бир неча бор ташаккурномалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Мактаб директорининг жамоада ва Оҳангарон шахрида обрўси салмоқли.

Ҳа, ҳаммаси рисоладагидек кечаётган эди.

Наргиза келгуси йил — 2026 йил 1 октябрда пенсияга чиқиб, умргузаронлик қилмоқчи эди. Бироқ 2025 йил баҳорида унинг ҳаётида ноҳус воқеалар содир бўла бошлади.

Наргиза Тошкент шахридаги Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида навбатдаги малака ошириш курсида ўқиш учун борди. Табиийки, пировардида имтиҳонлар бўлиб ўтди ва унда аксарият мактаб директорлари тест синовларидан ўта олишмади: улар сафида Наргиза Боймирзаева ҳам бор эди.

Мана шундай антиқа тест синовлари ҳақида менга Оҳангарон шахридаги тажрибали ва малакали педагоглардан бири Шарофхон Аҳоров куйидагиларни гапириб берганди:

— Биласизми, тест саволлари шу қадар ғалатики, ҳатто саволларга ҳар қандай профессор, фан номзодлари ҳам жавоб беришлари мушкул. Ҳайрон қолман, мана шундай “тест”лардан кутилган мақсад нима экан ўзи?..

Наргиза Боймирзаеванинг тестдан ўтолмагани ҳақидаги хабар Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими раҳбариятига ҳам етиб келди ва бу гапни улар негадир қувонч билан кутиб олишганга ўхшарди.

Лекин бу орада Наргиза қайтадан имтиҳон топшириб, сертификат олишга муваффақ бўлди.

Бироқ Боймирзаевага тинимсиз телефон кўнги-роқлари ёғила бошлади.

“Бошқармага тез етиб келинг!”

Навбатдаги кўнги-роқлардан бирида Боймирзаевага яхшиликча ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш тўғрисида зугум қилишди.

Асаблари ҳаддан ташқари чарчаган Н.Боймирзаева нҳоят 2025 йилнинг 23 июнь куни бошқарма бошлиғи номига ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза ёзиб берди.

Бу хабарни мактаб жамоаси ва Оҳангарон шаҳар аҳолиси норозилик билан кутиб олди ва Наргизага аризасини қайтариб олиш ҳақида маслаҳат беришди.

2025 йилнинг 27 июнь куни Боймирзаева бошқарма бошлиғига муқаддам ёзган аризасини оқибатсиз қолдириш учун ариза қолдирди.

Буни қарангки, бошқарма раҳбарияти буни писанд қилмай, худди шу куни, яъни 2025 йилнинг 27 июнь куни 400-“к” сонли буйруққа асосан Н.Боймирзаева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди.

Демак, нима қилиб бўлса ҳам Наргиза Боймирзаевани ишдан бўшатиш асосий мақсад эди...

Бундан норози бўлган Боймирзаева Оҳангарон туманлараро фуқаролик судига ишга тиклаш тўғрисида даъво аризаси киритди.

Судья даъво аризаси юзасидан бир неча бор суд



мажлисларини ўтказди. Гувоҳларнинг тушунтиришларини диққат билан тинглади ва нҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 26-сонли қарорининг 21-моддасидаги “судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризасини иш берувчининг қис-тов натижасида берганлиги тўғрисидаги вазларини синчковлик билан текширмоқлари лозим, иш берувчи томонидан уни ариза ёзишга фаол равишда ундаш ҳаракатлари ҳам қистов сифатида баҳола-ниши лозим” деган бандга эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процес-суал кодекси 266-моддасига кўра, суднинг ишга тик-лаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қа-ратилиши лозим.

Бироқ бошқарма 2025 йилнинг 12 ноябрь куни, яъни суднинг ҳал қилув қарори чиққанидан йигирма кун ўтгач, Н.Боймирзаевани ишга тиклаш тўғрисида 925-“к” сонли буйруқ чиқаришга мажбур бўлди.

Бироқ бу буйруқ билан бирга шу куни, яъни 2025 йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси, 2-қисми 3-бан-дига кўра, яъни ҳодимнинг малакаси етарли эмас важи билан Н.Боймирзаевага 2025 йил 1 декабрдан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлан-тириш хатини ҳам қўлига тутқазди.

Бундан “Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан” деган маънони тушуниш мумкин эди. Иш берувчининг яъни арақ ҳам келмайдиган огоҳлантириш хати шу қадар қулгилики, унга ҳаф-тада бир кун ишга қимчаслиги ҳақида тушунтири-шибди-ю, бироқ Меҳнат кодексининг 144-моддаси асосида унга бошқа иш ўрнини таклиф этишни уну-тишибди...

Бошқарманинг огоҳлантириш хатидан шу ҳолат маълум бўладикки, “бўлди, биз ўз ҳуқуқини талаб қи-ладиган мактаб директори билан ишлашни хоҳла-маймиз, биз судга мурожаат қилганларини ёқтирмай-миз, уни мактабдан ҳайдаймиз” деган фикрлар ке-либ чиқади ва пенсиясига бир йил қолган ҳодимни

иззат-икром билан кузатиш ўрнига кўчага ҳайдаб со-лишни маъқул деб биладилар.

Қани бу ерда инсон қадр, қани бу ерда оқибат ва одамгарчилик?

Яна бир гап.

Бошқарма томонидан 2025 йилнинг 14 ноябрь куни Н.Боймирзаева номига ғалати бир билдириш-нома юборилган. Унда гўёки Оҳангарон шахридаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорилик иш ўрни бўш, яъни вакант деб таърифланган ва Н.Боймирзаевани қандайдир сўхбатга чорлашибди. Қизиқ, на-ҳотки бошқарма бошлиғи Ўзбекистон Республикаси номидан 2025 йил 22 октябр куни чиқарилган суд қарорини тан олмас? Суд қарориди эса “Н.Боймирзаева дарҳол ишга тиклансин” дейилган, тамом-вас-салом!

Шунингдек, Н.Боймирзаева суднинг ҳал қилув қа-рориди кўрсатилган 21 миллион сўм мажбурий про-рогул учун иш ҳақи ва беш ярим миллион сўмлик маъ-навий зарарни давлат бюджетига зарар бўлмасин деб ундан воз кечиш тўғрисида ариза ҳам ёзганли-гини билдирди.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 184-моддасида таъкидла-нишича, судлар ишга тиклаш тўғрисидаги фуқаро-лик ишида учинчи шахс сифатида меҳнат шартно-масини бекор қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан мансабдор шахсини судга жалб этиши ва давлат таш-килотига етказилган зарарни унинг зиммасига юк-лаш тўғрисида ажрим чиқаришлари керак эди.

Бу борада эса судья анча одамгарчилик қилибди. Бир аёл кишига шу қадар зугум, шу қадар адоват ва тазйиқ инсофданми? Қачонки, одил судлов томо-нидан масалага ҳолис баҳо берилган бўлса!

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги адолат билан иш кўриб, муаммонинг ечимини топади.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
журналист.



ТАБИАТ ОЛДИДАГИ ВАЗИФА ВА МАСЪУЛИЯТ

1-6. Шу нуқтаи назардан, Конституциямизнинг ўрни беқиёс. У нафақат давлатнинг бош қонуни, балки фуқароларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатловчи асосий ҳужжатдир.

2023 йилда умумхалқ референдуми билан қабул қилинган янги тахрирдаги Конституцияда илк бор ҳар бир шахсининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ҳамда унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборот олиш ҳуқуқи аниқ бел-гилаб қўйилди. Жумладан, 49-моддага кўра: “Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратати”.

Шунингдек, Конституцияда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик экани, улардан фақат оқилона фойдаланилиши лозимлиги қатъий белгиланган. Табиат — бизнинг энг қимматли бойлигимиз ва келажак авлод учун мерос ҳисоблана-ди. Шу боис ҳам атроф-муҳитга зарар етказишга йўл қўйилмайди. Мулдан фойдаланишда ҳам, шахсий ҳуқуқларни амалга оширишда ҳам бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик талаб этилади, — деди депутат.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш давлатнинг зиммасида экани конституциявий норма билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бунинг амалдаги ижросини Президент томонидан тегишли фармон қабул қилингани ва шу асосда махсус комиссия тузилган ҳолда бутун ҳукумат доирасида изчил ишлар амалга оширилаётгани мисолида кўришимиз мумкин.

Уз навбатда, биз фуқароларнинг ҳам табиатни, табиий бойликларни асраш, келажак авлод учун соғлом муҳит қолдириш борасидаги вазифа ва бурчлар-римиз борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Хусусан, Конституциямизнинг 62-моддасига кўра, фуқаролар зиммасига атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти юкланган. Бу эса атроф-муҳитни асрашга ҳар биримиз масъул ва бурчли эканимизни, жамиятда экологик маданиятни ошириш зарурлигини аниқлатади.

Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимизда атроф-муҳитни муҳофаза қи-лиш, фуқароларнинг табиат олдидаги вазифалари, масъулияти қабиларга алоҳида эътибор қаратилгани экологик хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Атроф-муҳитга нисбатан масъулиятли ва эҳтиёткорона муносабат мусалфо атмосфера ва хавфсиз экологик муҳитни таъминлашга замин бўлади.

Мухтарама КОМИЛОВА.



“ГУЛИСТОН” ЖУРНАЛИ — 100 ЁШДА!

Маълумки, “Гулистон” журналі 1925 йил 7 ноябрдан “Ер юзи” номи билан нашр этилган. “Ер юзи” журналі 1925 йилдан 1931 йилнинг декабрига фаолият кўрсатган бўлиб, 1932 йилдан “Ўзбекистон қурилишида”, 1934 йил сентябрдан “Машъала”, 1935 йил февралдан эса “Гулистон” номлари билан чиққан. Уюшма раҳбари тадбирда “Гулистон” ва “Театр” журналі бирлашган тахририяти масъул котиби Камил Жантаев, ушбу тахририят веб-дизайнери Нигина Исмаиловага уюшма аъзолик гувоҳномаларини топширди.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЖИЗЗАХ ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими то...



ЯНГИ ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚўЛЛАНМАЛАР

Журналист кадрлар тайёрлашда назарий билимлар ва амалиёт уйғунлиги гоёта муҳим ўрин тутаети. Ярим асрча бурун биз талабалик давримиз Бегали Қосимов, Озод Шарафиддинов, Очил Тоғаев, Абдуғафур Расулов, Умарали Норматов, Санжар Содик, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Нажмиддин Қомиллов, Ориф Саидов, Анвар Шомақсудов, Ирисали Тошалиев каби забардаст олимларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўқиб, соҳамиз назариясини ўрганганмиз. Шу назарий билимларимизни амалиётга пайваста қилганлар етук публицист, адиб ва шoirлар бўлиб камолга етдилар.

даёқ кўрган-кечирганларини қозога тушириб борган! “Эркин Воҳидовнинг имзоси” тўпламидан ўрин олган мақолалар, эссе ва суҳбатларини мутлолаа қилган ўқувчи атоқли шoir, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг серқирра фаолияти, маънавий оламга ошно

монидан Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби ўқувчилари учун вилоят телерадиоканалига сўҳат уюштирилди.

Ўқувчилар телерадиоканалнинг эфирга узатиш, кўрсатув ва информацион дастурлари монтаж хоналари, шунингдек, янги қурилган телестудияда бўлишиб, телерадионинг бугунги ижодий ва техник имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Тадбир давомида телерадиоканал муҳаррирлари, бошловчилар, режиссёрлар, операторлар ўқувчиларга кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаш жараёнилари ҳақида батафсил тушунчалар бериб ўтишди.

“ИМКОНИЯТНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ!” ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўтган ҳафта 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куні муносабати билан Нукус шаҳрида “Имкониятни ўзимиз яратамиз!” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети журналистика кафедраси қошида ташкил этилган “Ёш журналистлар клуби”, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва “MY BEE” илмий-маърифий маркази масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган танловда олий таълим муассасалари талаба-ёшлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Улар жисмоний имконияти чекланган шахсларга яратиб берилган шарт-шароитлар, уларнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларини акс эттирувчи “Энг яхши видеоролик”, “Энг яхши сурат”, “Энг яхши илмий мақола” ва “Энг яхши ҳикоя” номинациялари бўйича беллашишди. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти магистранти Ш.Қалжанова “Энг яхши видеоролик”, Нукус шаҳридаги 8-сонли умумтаълим мактаби



ўқувчиси Ғ.Ғанибаева “Энг яхши сурат”, Қорақалпоқ давлат университети юридик факультети талабаси Ў.Базарбаева “Энг яхши илмий мақола”, ушбу университетнинг қорақалпоқ филологияси ва журналистика факультети талабаси Д.Караматдинова “Энг яхши ҳикоя” номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

Тақдирлаш маросимиде Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Д.Абидуллаев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши бўлим мудири Н.Кишинов ғолибларни табриқлаб, мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирларга тўхталди.

Ғолиблар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, “MY BEE” илмий-маърифий маркази масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрақ нишони, статуетка, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

Сўз сехри ВА ИЖОДИЙ МАҲОРАТ



бўлади. Бу тўплам ижод аҳли учун ўзига хос ибрат мактаби, десак арзийди. “Менинг ишим — умирини Ватан саодати йўлига бағишлаган мутафаккир ватандошимиз ҳақидаги ҳаётнинг бугунги шиддати ёки бошқа сабаб босиб, ёддан кўтарила бошлаган ҳақиқатларни адабиёт оламига энди-энди қадам қўяётган ёшларга эслатиб қўйиш, ўзим кўрган, бевосита гувоҳ бўлган воқеалар, аштитиқлар тафсилотларини асли қандай бўлган бўлса, шундай ҳолда устознинг жонли суҳбатига илова қилишдан иборат бўлди, холос, — деб ёзади муаллиф. — Китоб Эркин Воҳидовни яқиндан билган, фусункор шеърлари, дилбар ғазалларидан баҳраманд бўлган мухлисларнинг янги-янги иловалари билан бойиб боради, деган умиддаман.”

Аҳмаджон Мелибоев ижодий изланишлари ва илмий тадқиқотларида мутафаккир ва гуманист адиб Чингиз Айтматов мавзуси алоҳида ўрин тутаети. Амалий жиҳатдан эса 2017 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” экспозицияси ташкил этилиши катта воқелик бўлган. Экспозиция ташкил этилишида, алаҳусси, Чингиз Айтматов ҳаёти, ижоди ва Ўзбекистон билан боғлиқ фаолиятига оид адабиётлар, фотосуратлар ва бошқа кўргазмаларни тўплашда Аҳмаджон Мелибоевнинг хизматлари алоҳида. Шу кунга қадар экспозицияни янада бойитиб бориш йўлида устоз ҳамон изланишда. Айтиш жоизки, мазкур экспозиция бўлғуси журналист ва филологларнинг ўзига хос маърифий масканига айланма қолган.

Бу масканда ҳар йили 12 декабрда адиб Чингиз Айтматов таваллуд кунига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, адабий кечалар ўтказилиши ўзига хос аънаъга айланган. Унда атоқли қирғиз адиби, Қирғизистон Фан

сандра тамғаси” каби асарлари ҳақида фикр аламлилади. Экспозиция раҳбари Аҳмаджон Мелибоевнинг шу буюқ адиб билан учрашувлари, мулоқотлари ҳақидаги хотиралари барчада катта қизиқиш уйғотаети.

Бугунги талабалар учун Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Ориповнинг куйидаги фикрлари катта сабоқдир: “Айтматов ижоди бизга кўп жиҳатдан сабоқ бергулик мактабдир. Менинг учун Айтматов сабоқларидан бири куйидагича: Чингиз оға ўзининг бениҳоя жасур истеъдоди билан ҳар қандай маҳдуд, қийин шароитда ҳам ҳақиқатни қиймага етказиб, ўринлатиб айти билишини исботлади. Адибнинг “Алидо, Гулсарни” асарини эсланг. Асар қаҳрамони Танабойнинг ҳам, унинг надиқ йўлдоши Гулсарни лақабини олнинг ҳам навқирон чоглари жамият хизматига сарф бўлди. Бироқ улар қартайгач, назардан, эътибордан қола бошладилар. Ёзувчи мана шу фикрни мураккаб шароитда катта маҳорат билан бадиий асарга айлантирди. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини, ҳаётини қийматини йўқотган эмас. Албатта, ҳар қандай буюқ адибнинг ҳам ўз услуби, оҳанги бўлади. Толстойни Достоевскийдан фарқлашда доҳиёна белгиларни илғаш мумкин бўлганидек, Айтматов ижодини кузатганда ҳам фақат унга хос бўлган фазилатларни дарҳол топа оламиз. Булар — чуқур инсоний фалсафа ҳамда гоёта гўзал поэтик руҳдир.”

Аҳмаджон Мелибоев буюқ адиб Чингиз Айтматов ижодий фаолиятини илмий тадқиқ этишга талабалик йилларидеёқ киришган. У 1974 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаш арасида ёзган диплом иши мавзуси: “Чингиз Айтматов — журналист” эди. Энг эътиборли жиҳати, мазкур диплом ишини Чингиз Айтматовнинг ўзи ҳам ўқиб, таҳлилий фикрларини билдирган. Уша вақтдан то адиб ҳаётининг сўнгги кунларигача Аҳмаджон Мелибоев ул зот билан неча марта юзма-юз кўришган, мулоқот қилган. Муаллиф фикрича, ёзувчи Чингиз Айтматов халқимиз тарихи ва маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, чуқур ҳис этади, буюқ аллоамларимиз билан ўзбек халқи каби фахрланади. Унинг қисса ва романлари, публицистик мақолалари, долзарб маърузаларида халқимизнинг шонли тарихи, буюқ аждодларимиз хериди, Самарқанд, Бухоро каби ўтмишга шод хашарларимиз билан фахрланиш, Орол кўлининг тақдирига куюниш каби ҳолатлар қўлаб учрайди...

Турли даврлар мобайнида ёзилган “Адиб билан танишув”, “Ботир бола, кимнинг ўглисан?”, “Тоғ ва дашт...”дан “Қулаётган тоғлар” гача”, “Айтматовшунослик илми уфқлари”, “Адиб ижодиде бадиий публицистика”, “Жаҳаннам узра қарғалар фарёди”, “Давр савол

лари”, “Сухбатлар, эътирофлар”, “Фикр эркинлиги асри”, “Кремлдаги нутқ”, “Чингиз оға мактублари”, “Адиб ҳикматлари”, “Асрларга татигулик умр” сарлавҳали мақола, бади ва суҳбатлари “Асрларга татигулик умр” илмий-публицистик мақолалар тўпламидан ўрин олган. Уларни тегаран нигоҳ ила мутлолаа қилган ўқувчи буюқ адиб Чингиз Айтматов сабоқларидан баҳраманд бўлади. Бу битиклар Чин

гиз Айтматовнинг куйидаги сўзларини ёдга солади: “Ёшлар, шуни билингларики, жамият ва адабиёт сизнинг олдинизга қўяётган бугунги вазифалар адабиётимизнинг катта авлоди олдиде бир вақтлар турган вазифалардан кескин фарқ қилади. Биз бугун тарихнинг шу чоққа қадар юрилмаган йўлларидан ҳам юрмоқдамиз. Жамият, ижтимоий ҳаёт, адабиёт ўсиб, ривожланиб бормоқда. Шундай экан, сизларга катта устозларингиз босиб ўтган ижод йўлидан кўра мураккаброқ йўлларни босиб ўтишга тўғри келади. Шунинг ўзи сизларга, ҳаммамизга дахлдор масъулият. Бундан кейинги ишларимиз шу масъулиятдан келиб чиқшини англаб етмоғимиз зарур... Асар ёзиш учун қўлига қалам олган ижодкор гапни узундан-узоқ чўзмаслиги, бўлар-бўлмас воқеаларни куруқ баён қилиш билан ўқувчининг бошини қотирмаслиги керак, деб ўйлайман. Бунинг ўрнига бугунги кун одамнинг руҳий олами, ички дунёсини очиб берувчи, фалсафий ўй-фикрлар билан сугорилган, чинакам адабиёт талабларига жавоб бера оладиган, одамларнинг қозғоғидаги нусхасини эмас, ҳаётдаги реал образини кўрсатадиган бакуват асарлар яратишга бел боланглар. Бундай асарлар юксак гражданлик (фуқаролик — изоҳ бизники. Т. Э.) пафоси акс этган поэма, балким, трагедия, маиший мавзудаги драма ёки новелла бўлиши мумкин. Гап жанрда эмас. Ҳар қандай асар истеъдод билан ёзилган, ўқувчини тўлқинлантира оладиган бўлиши зарур.”

Айтиш жоизки, адиб Чингиз Айтматовнинг бугунги ёш ижодкорларга сабоқ бўладиган битиклари кўп. Жумладан, “Чўққиде қолган овчининг охи-зори” асарида Соҳибқирон Амир Темурнинг Шероз шаҳрида хофиз Шерозий билан бўлган учрашувини ёдга олиб, улуг ҳукмдорнинг куйидаги сўзларини келтиради: “Уз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидеги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир.”

Кунда-кунора “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” экспозициясида сабоқ олаётган талабалар қирғиз адиби Чингиз Айтматов ўзбеклар диёрини ўз юртидаги, одамларини туғишган оға-иниларидеги кадрлаганини, Миртемир, Зулфия, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мақсуд Қориев, Зиёд Есенбоев, Ботир Зокиров, Асил Рашидов, Анвар Жўрабоев, Париза Мухаммаджонова ва бошқа қўлаб ижодкорларни яқин дўст билиб, улар билан умрининг охиригача қанчалик самимий мулоқотда бўлганини англаб етади. Бу — қардош халқлар ўртасида меҳр ришталарини тоабд мустаҳкамлашда адабиёт қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

“Бадиий публицистикада ижтимоий таҳлил” монографиясидадан ўрин олган “Миллий тарқиқетга эришишда ижодкорнинг ижтимоий

фаоллиги”, “Бадиий публицистикада давр руҳи ва тамойиллари таҳлили”, “Публицистикада муаллифнинг маънавий-ахлоқий қарашлари”, “Бадиий публицистикада муаллиф маҳорати ва фикр уйғунлиги”, “Дунёвий янгилиниш ва ижтимоий публицистика” каби илмий-оммабоп мақолалари Аҳмаджон Мелибоевнинг матбуотдаги узоқ йиллик фаолияти, ижодий изланишлари ва кузатувлари самарасидир. Муаллиф мазкур монографиясида бадиий публицистика — жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларга, дунё микёсида юз бераётган, одамлар онг-шуурига, дунёқараши ва турмуш тарзига таъсир кўрсатаётган воқеа-ҳодисаларга тезкор ва холис муносабат билдирувчи ижодий тафаккур маҳсули эканини илмий асослаб беради. Шунингдек, бу жанр ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатиши, бирор бир вазифа ёҳуд муаммо хусусида жамоатчилик фикрини юзага келтириши, алаҳусси, фикрнинг аниқ мақсад йўналишида ривожлантириши ҳақида ҳам теран мушоҳадале фикрлар таҳлил этилган. Муаллиф алоҳида таъкидлаганидек, публицистика ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади ва шу боис, бадиий ижод каби бир неча (ижтимоий-сиёсий, илмий, иқтисодий, адабий-бадиий, маданий-маърифий, ҳажвий) соҳаларга бўлинади. Бу соҳалар ичиде бадиий публицистика, яъни ёзувчи публицистикаси алоҳида мавқега эга.

Муаллифнинг “Журналистнинг тил бойлиги” ўқув-амалий қўлланмаси юқориде номлари қайд этилган қўлланмаларининг мантқиқий давоми бўлиб, унда асосий эътибор она тилимиз муаммоларига қаратилади. “Тил — тирик, ҳаракатчан вужуд, у ҳам худди инсон каби парваршига, эътибор, меҳрга муҳтож. Бу ҳақиқатни унутадиган бўлсак, йиллар ўтиб ўзбек тилини ўрганиш курсларини бошқалар учун эмас, ўзимиз учун қайта тиклашимизга тўғри келади” деб бонг уради адиб Аҳмаджон Мелибоев. Дарҳақиқат, тил шундай бир доғди, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинги ўрни ва зарурати бор, борди-ю, улардан бирортаси парваршиш қолса, бонгнинг қўрқи бузилади, таровати сусаяди. Бинобарин, тилимиздаги ҳар бир мақол ва матал, сўз ва ибора, ноёб айтимлар, топилма ташбеҳлар, “қоса тағдида нимқоса”лар ҳам шундай мақомга эга. Ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали биз халқимизнинг олис ўтмишига назар ташлаймиз, босиб ўтилган машаққатли йўллардан хабардор бўлаемиз. Шу маънода тилин бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи кўприкка қийслаш мумкин. Бу кўприк бизни эзу амалларга, инсоний қомилликка, саволатпешалик ва бағрикенгликка, ҳалол-поқликка давъат этади. “Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан адашади” деганларидек, ўзгилмизсини йўқотмаслик, буюқ хазинамиздан бебаҳра қолмаслик учун ҳам тилимизни асрашимиз лозим.

Ўқув-амалий қўлланмадан ўрин олган “Журналистнинг тил бойлиги”, “Галнинг ушови”, “Айб ҳаққадамм?”, “Тил, таҳрир, талқин”, “Жавобсини саволлар”, “Сўзнинг тирик жондек ҳаёти”, “Егли қуртта тобингиз қалай?”, “Бир оғиз сўз билан”, “Чўчмаллик”, “Бахтли тасодиф туфайли”ми?”, “Қўл ёзувимиз нима бўлади?”, “Қўтадуғ били” — саодатга элтувчи билим, “Тилиндан ўргилай, халқим”, “Тил ва тафаккур”, “Тилим менинг — жону дилим менинг” сингари илмий-оммабоп мақолаларни кунт билан мутлолаа қилган ўқувчи она тилимизга эътиборлилик қанчалик аянчли ҳолга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўзи хулоса чиқариб олади.

Катта ҳаёт тажрибасига, бетакор ижодий маҳорат мактабига эга бўлган устоз публицист-тадқиқотчи Аҳмаджон Мелибоевнинг китоблари ва кунда-кунора таълимотда ёритиб борилаётган мақолаларини мутлолаа қилганларнинг тафаккури шунга яраша бойиб бораверади. Юқориде таҳлил этилган ўқув-амалий қўлланма, монография ва илмий мақолалар тўпламлари журналист-кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари учун муҳим назарий-амалий манбалар бўлиб хизмат қилаверади.

Тўлқин ЭШБЕК, ЎЗМУ доценти, филология фанлари номзоди.



ОЛТИН АСРНИНГ МУСТАҲҚАМ ҚЎРҒОНИ

Тарих ҳақиқати ҳар доим барҳабт. Замонлар, салтанатлар тўлғоғида уларга муносабат ўзгариб бориши, баъзан панада қолиши, баъзан бўртиб туриши мўътадил ҳол бўлса ҳам, тарих ҳақиқатидан юз ўгириб бўлмайди. Соҳибқирон Амир Темури ва Темурийлар даврига кўз-қараш бунга ёрқин мисол: ёндашувлар неча алвон янгиланди? Ҳатто ўтган асрнинг охирида муносабатнинг бирданига, ҳозирги даражада кескин ўзгариши кимларнидир довларга кўйди: “Иу-э, бунчалик эмасдир. Наҳотки юз йил олдинги гап-сўзлар бутунлай ёлғон бўлса?” Бу шубҳани амалда тасдиқлайдиганлар ҳозир ҳам топилаётган турли даражадаги воқеликларни бурттириб кўрсатиб, ўша кунларга соя ташлашга, панада қолдиришга уринишлар учиб кетди. Ҳатто ворислик масаласида узоқни кўра олмаганида айлаб, тарихнинг муҳташамлигига шубҳа билан қарашлар кўзга ташланапти.

Ҳамма гапда жон бор, даракнинг шохи беҳуда қимирламайди. Лекин инсоф юзасидан қараганда, ҳар қандай жўн бир далилни бошқалари билан тақ-қослаб, қўл етмас даражада юксаклик ва тенгсизликни англаш қийин эмас. Масалан, давлатни йўқ-дан бор қилиш ва 35 йилда жажон саҳнига олиб чиқиш; ҳолбуки, кўпала буюк шахсларга ҳоқимият мерос бўлиб ўтган. Нафсиларини айтганда эса катта галабалар катта қўрбонликлар эвазига қўлга киритилган — тарихнинг ҳулосаси шундай. Натижа эса эришилган ютуқнинг салмоғи, буй-баста билан ўлчанади. Ахир Темурийлар даври маданияти бутун бир минтақанинг бўйини бугун ҳам кўзқўлаб турибди-ку. Ҳали очилмаган қанча саноатлар бор? Қолаверса, у кунларнинг руҳи, шуқуҳи бизни бутунлай тарқ этгани йўқ. Тарих китобларини ўқиб, ўша даврда шаклланган дунёвий унсурлар ҳамон маънавий ҳаётимизда, турмуш тарзимизда, қолаверса, феъл-атворимизда яшаётганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз. Ганнинг индаллоси эса Темурийлар давлатчилигининг аъёнлари бизнинг ҳозирги ҳудудларимизда то чор босқингача (аниқ-роғи, 1876 йилгача) устувор бўлган.

...Бобур Мирзо Буюк Туронни тарқ этгач, бу ҳудудда тизгинсиз бошбодқликлар бошланиб кетгани ҳам ҳақиқат. Оқибат шундай бўлдики, Темурийлар салтанатининг қалби унга бўлиниб кетди. Мазкур уқлиқнинг қандай даври даврон сургани кўпчиликка маълум, аммо улар айри-айри ҳудудларда умргузаронлик қилса-да, ўтмишни, бугун Иккинчи Ренессанс деб ўрифтаётган тамаддунинг сабаб-лари, таърибалари ва аъёнлари унутилмаган. Гарчи пойтахт Бухорога кўчган бўлса ҳам Самарқанднинг мавқеи бир шариф шайхон даражасида қўрилди, ундаги Соҳибқирон хилхонаси қиблагоч сифатида эътирофда бўлди. Хива хонлари, Бухоро амирлари, Қўқон хонлари (1709 йилдан кейин) бу табаррук гўшага ўз эҳтиромларини изҳор қилиш билан бирга салтанат тартибларида ўша шонли йилларда шаклланган мўътабар аъёнларни дастуруламал деб билдилар ва фаолиятларида қўллашди.

Ҳиндистондан Бобур подшоҳ ва унинг авлодлари Гуримир ҳаракатлари учун ҳар йили катта миқдорда маблағ жўнатиб туриши одат қилганлар. Хоразмда ҳукмронлик қилган Қўчинчиқон (онаси Робиясултонбегим — Улугбек Мирзонинг кизи) 1519 йилда Шарҳиддин Али Яъқий “Зафарнома”сини форс тилидан Мухаммад Али Бухорий томонидан эски ўзбек тилига таржима қилдиришга эришган. Шунингдек, “Равзат ус-сафо” ва бошқа ўша даврга хос тарихий асарлар ҳам ўзбек тилига ўғрилганки, бу ҳол ўтмишнинг мунаввар кунлари доим амалиётда асқатганлиги, фаолиятни ёритиш турганини аниқлатади. Ҳиндистонда шахзода Шохжаҳон (Хуррам) 1637 йилда Мухаммад Ҳиёф ал-Бухорийни “Темури тузуқлари”ни “Зафарнома” билан солиштириб, мукаммаллаштиришни топширади. Бухоро амирлари ва хонлари муттасил Самарқандга ташриф буюриб, ўз эътиқодларини изҳор этиб турганлар, улар Оқсаройда тож кийишни ўзларига шараф деб билганлар. Аштархоний Имомқулхон ўз шаърасини Амир Темурига боғлаб ёздирган. 1835 йилда Қўқон хони Мадалихон Соҳибқироннинг таржимани ҳолига оид “Зафар йўли” китобини форсчадан ўзбекчага таржима қилдириди.

Хуллас, бундай вобасталик юзасидан кўпалаб мисоллар келтириш мумкинки, Темурийлар шуқрати ва обрўси йиллар оша юртимизга ҳамнафас бўлган. Агар ганнинг нафсиларини айтиш лозим бўлса, бу муҳташам кунлар шуқуҳи Қўқон хонлигида, аниқроғи, Фарғона водийсида тўлароқ ва мукаммалроқ ҳамда узоқ вақт яшаб қолганини тарихий далиллар тасдиқлайди. Бу фикрни қувватлайдиган бир қанча мисоллар мавжуд. Аввало, Буюк Турондаги энг сўнги Темурий шахзода Заҳриддин Мухаммад Бобур Андижонда ҳукмронлик қилди ва у 1504-1505 йилларда Амударёдан ўтиб, Хуросонга йўл олди. Шундан кейин минтақада Шайбонийлар мавқеи кучайди, улар пойтахтни Бухорога кўчиришди. Бу сулоланинг ўз давлатчилиги услуби ва тутумлари борлигини эсдан чиқармаслик лозим. Улар Темурийлардан фарқ қилиб, кўчманчилар маданиятига хос удулларни сақлаган эди ва бу ҳол жорий бўлган шахар тартибларига баъзи ўринларда мис келмас эди.

Қолаверса, Темурийлар хонадонига ўлғайган ва тарбияланган Мухаммад Шайбонийҳон бу сулоланинг заифлашганини сезган, ҳаракатларини кучайтирган. Мухаммад Шайбонийҳон ҳам ўз хизмати яраша баҳосини олган, унинг қисматини бир қур эслаб қўйиш зарар қилмайди. Албатта, кўчманчиларнинг янги асрдаги авлодлари маърифатли эотлар сифатида салафларининг тарихига ҳурмат билан қараган, Самарқанднинг ҳам мавқеини сақлашга астойдил интилган. Хива хонлиги худудди жиҳатидан ажралиб қолган бўлса-да, ўтмишга ҳурмат сақлаган, жумладан, Темурийлар тарихи шуқуҳи, Самарқанд шаҳри мақомини доимо ёдда тутгани аниқ, маърифатли намоёндалар туркий яхлитликни сақлаш учун курашгани ҳам бор гап.



Демак, тақдирнинг ўзи Темурийлар сулоласига тўғридан-тўғри меросхўрлик қилишни Қўқон хонлигига ҳам насиб этгани тасодиф эмас. Кейинги баъзи далиллар ҳам бу ҳол мантқан тўғри бўлганини кўрсатади. Хусусан, мазкур ҳақиқатни Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари кейинчалик мангилар сулоласи бошқарган Бухоро хонлиги билан муҳолифатда бўлиб келгани, Фарғона билан доимо алоқаларни мустаҳкамлашга интилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Тарихда эса Бухоро билан Шаҳрисабз ўртасида кескин тўқнашувлар бўлгани, бир неча марта ҳужумлар уюштирилгани қайд этилган. Бу кўчманчи ва шаҳар маданиятининг, аниқроқ қилиб айтганда, Чингизий ва Темурий қадрийларнинг тўқнашуви эди, жўн қилиб айтганда, уруғлар ўртасида можа роғ эди. Шу туфайли кейинчалик Шаҳрисабз ва Китоб беклари Бобобек ва Жўрабек муҳторий таллаб қилиб, Қўқон билан яқинлашшига ҳаракат қилганлари аниқ далил, ҳатто бунга эришганлар ҳам. Мазкур вазифани амалга оширганлар, яъни бир неча йиллар улар мустақил сивасат юритганлар. Шаҳрисабз аҳли орасида бир ривоят юради: Бухоро ҳукмдори ҳар наҳор кун чиқишга қараса, бир минора кўринар ва унинг ҳавасини кўзарган экан. Ниҳоят, уни кўришга аҳд қилибди ва йўлга тушибди. Аммо кун бўйи йўл тортсалар ҳам минорага ета олмашмапти. Уларнинг сув ва озуқалари тугаб, жуда абгор бўлишибди. Кейин жажли чиққан хон минорани бузиб ташлашга фармон берибди. Бу Шаҳрисабздаги Оқсарой бўлиб, эрталаб одбто бурида оппоқ бўлиб товланар, маҳобатидан Бухородан ҳам кўриниб турар экан.

Албатта, бу халқ хилоқи, лекин унда ҳақиқат унсори бор, ҳатто буюк ва салобатли иморатнинг вайрон бўлиши ва хароб ҳолига келиши сабабларига ишора ҳам яширинганга ўхшайди. Фақат бу эмас, йиллар давомида икки худуд ўртасида бир неча марта қонли тўқнашувлар ҳам юз берган. Бундай зиддиятларнинг кескинлашувини юзага келтирган кўпала омиллар борки, уларнинг таҳлили ва шарҳи алоҳида, махсус мукаммал тадиқ-қотларни талаб қилади (шу ўринда Кенгазбегимнинг қисматини эслаш ўрасиз бўлмайди). Яқин эса жуда даҳшатли. “Булгингани бўри ер” дегандек бўлди: чор истилочилари бостириб келганда кўчларни бирлаштириб бўлмади...

Тоталитар тузум эса Буюк Амир Темури дунёга келган шаҳарнинг мавқеига пугур етказиш учун жиддий чоралар кўрди. Ҳатто шаҳарнинг этник таркибини бузиб юбориш учун дастлаб жудийлар, кейинроқ крим-татарларнинг кўпала оилаларини кўчириб келтирди. Китоб музофотида қизқон қавказликлар олиб келиб ўрнаштирилди. Улар маънавий хизмат, транспорт, савдо, хунармандчилик, ҳатто соғлиқни сақлаш соҳаларига фаол аралашиб кетишди. Натижада шахарда иқтимоий муҳит жиддий ўзгаришларга дуч келди. Муҳташам Оқсарой эса қаровсиз ҳолга келтирилди, босқинчилар томонидан тўлга тутилди, уни бузиш учун ҳашарлар уюштирилди, қосинлари кўчирилиб, бошқа биналарни таъмирлашда ишлатилди. Шунчалик кўрimsиз ҳолга келтирилдики, бесўнақай тахта деворлар билан ўраб ташланган обидани дунёнинг гўзал иморатларидан бири эканлигига ишонин ҳам қийин эди...

1709 йилда Бухоро амирлигидан ажралиб чиққач, Қўқон хонлиги ўз тутуми билан кун қўришга киришди. Шунгача Бобур Мирзо бу худудларни тарқ этгандан кейинги икки асрдан ортиқроқ вақт эса турли бўҳронлар ичиде кенган. Мухаммад Шайбонийхон иқтидорга келгач, Фарғона мулкунин бошқаришни ўз қариндошларидан бўлмиш Жонибек Султон Абулхайрон ўғлига топширади. Бу ҳол шу билан ҳаммаси измига тушиб кетди, дегани эмас, қопчилар давом этарди. 1560 йилда қозоқларнинг катта жуз султонларидан Буйдашхон ўттизта қозоқ хони ихтиёридаги қўшинга бош бўлиб, Фарғона водийсига Талас орқали бостириб келади. Улар бар-тароф этилгач эса қалмоқлар суқилиб киради. “Шайбонийларнинг ақсарияти ўз ҳукмдорлик фаолиятларини ҳоқимият учун ўзур кураш, Эрондаги Сафавийлар, Хуросондаги туроклар ва Дашти Қипчоқдаги қозоқлар билан тинимсиз урушларда ўтқазиб, мамлакат ривож, ободончилиги каби муҳим ишларга эътибор қарата олмадилар” (Мухаммад Яъқон Хўқандий. “Олтин бешик”. Т., 2025) Фақат Абдуллахон II (1533-1598 йиллар) даврида маданий ҳаёт жонланди, ободончилик ишлари ривожланди. Бошқарув навабти Аштархонийларга ўтгач, Фарғонада Маҳдуми Аъзам авлодларидан Чодак хожаларининг мавқеи ошди. Ниҳоят, Амир Темури даврида юқори мавқега эришган Минглар сулоласи майдонга тушди ва Шохрўбдий бошчилигида мустақил Қўқон хонлиги юзага келди.

Албатта, Қўқон хонлиги тарихи анча батафсил тадиқ этилган. Бу ерда мудоао аъёнлар давомийлиги ва Буюк Туронда шаклланган давлатчилик тизимида қандай манзара бардавом бўлганига эътиборни қаратишдан иборат. Ортада қолган суронли йиллар боқий аъёнларга заха етказган бўлса-да, моҳият ўзгармай турган эди, яъни хонлиқда Темурийлар (Заҳриддин Мухаммад Бобур тисолида) устувор қилган тартиблар сақланиб қолганди. Бу ҳолга олиқ-солиқдан тортиб деҳқончилик-боғбончиликка, тижоратдан маърифатгача — барча жабҳада амал қилган тизимларни алоҳида ўрганиб ва тадиқ қилиб, қатъий ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бунга шубҳа йўқ. Шунингдек, хонларнинг тутумлари олдин амалда бўлган тартибларга асослангани ҳам рост (буни кўпала аниқ мисоллар тасдиқлайди). Табиийки, тахт эгалари ўз насабларини унутмаганлар ва буни ифтихор билан қайд этганлар. “Вужудим гўлбуни Темури Кўрагон гулистони шаҳарининг самарасидир, Хилқатим ниҳолики, Бобур султон чаманининг навбодасидур” деб ёзади Амир Умархон (Амирий) девонининг дебючасида. “Саъдат хонадони Шохи Бобур насли покима, Худоё, раҳмат айла жумла аждоди изомимни” дея фахр билан қайд этади шоира Нодира (Моҳларойим). (Ёки “Олтин бешик” воқеасини эслайлик).

Саройларда қарор топан адабий муҳит, илмфан, санъатга ҳомилийк XV аср осмонини ёритиб турган мунаввар кунлар шуқуҳини ёдга солади. Ҳатто мушоираларда ўқилган “Шоир Адо сўзини Навоиддин ўтказса не тоғ, Султон Хусайн афзалми ёки Амир Умархон?..” сингари бир оз ҳавоий сатрларда ҳам улар улгини қимдан олгани, демак, аждодларнинг хайри амаллари бардавом эканлигини таъдиқлаб қайфияти буртиб турмаптаини?! Пулатхон домла Қаюмий 6 дафтардан иборат таъзирасида 325 нафар шоир ва иқдорнинг номини қайд этган эканлар. Бундай шуқуҳли даврон тарихда бундан олдин фақат Темурийлар даврида бўлган эди, ҳолос. Яна бошқа жуда кўпала ўлчамлар борки, улар Қўқон хонлиги Темурийлар давлатининг қонуний меросхўри бўлганини сўзсиз тасдиқлайди.

Давлатчиликда ҳам томир отган ва шаклланган аъёнлар бардавом бўлганини кейинчалик қайд этилган бир тарихий далил ҳам айнан ёдга туширади. 1813-1814 йилларда Қўқонда бўлган Россия элчиси Филип Назаров хоннинг қабул маросимини шундай тасвирлайди: “...саройга етишимизга уч юз



қадамлар қолганда бизга отлардан тушишга буюришди. Дарвозадан чиққан икки нафар мансабдор сарой ичига олиб кирдилар. Чўқка тушиш буюрилди ва амир мактубни қабул қилиб олиб, ёнида вазирига узатди. Уларнинг одати бўйича унинг икки қўлини қисиб сўрашимиз керак эди...” (Уша манба, 14-бет). Бу битиглар Испания элчиси Руи Гонсалес Клавихоннинг эсдаликларини ёдга туширмаптаими? “Улуғ амир қўлидан ўпишга руҳсат этмади, чунки уларда бундай одат йўқ...”

Албатта, аъёна ва тартибларнинг давомийлиги масаласида кўпала тадиқотлар олиб бориш лозим бўлади. Асрлар оша тарих силсиласида аъёнлар узвийлиги ва давомийлигини аниқ мисолларда ёрқин кўриш мумкин. Масалан, Қўқонда Худойёрхон ўраси қурилишида Темурийлар даври меъморчилиги ютуқларидан фойдаланилгани сир эмас. Тадиқотлар бинонинг тарҳини чишдан қурилишининг бориши, ашлар, масалан, гишларнинг тайёрлаш технологиясида тайёр тизим ва намуналардан фойдаланилганини тас-

диқлайди — бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Урда қурилиши ўн йил давом этган. 18 гектар майдонни эгаллаган, 4 ҳовлиси, 114 хонаси бўлган (айни пайтда улардан 19 тасигина сақланиб қолган). Урда атрофида боғлар барпо қилинган ва улар Самарқанддаги боғларга ҳамоҳанг номланган: Боғишомол, Боғидилқушо, Боғичинор, Боғинақишжаҳонор... Албатта, бундай улкан қурилиш тарихимизнинг шонли даврларидан намуна олиб, қад ростилагани кундек равшан. Демак, аъёнларнинг яшовчанлиги, шу билан бирга уларнинг тадрижий равишда кейинги сулола ёки авлодлар томонидан бойитиб борилиши айни абадийлик муҳридир. Аввало, унча-мунча урф-одат ва удуллар аъёна сифатида яшовчан бўлмайди, уларда яшовчанлик кургати борми, демак, ҳаётий бўлиб қиқади. Кейинчалик уларга ривож берилдими, бинобарин, шу даражада салоҳият юзага келган; энди бу ҳаракатни янги уфқлар кутаяпти. Шаҳрисабз ва Кўқондаги йиллар зарбини ениб, марғур яшаб келаётган пуриквор биналар ана шу ҳақиқатнинг тасдиғидир.

Буллар оддий ҳақиқатлар. Шақ-шубҳасиз, бундай бардавомлик умумийлиги бойликка муносива ҳисса бўлиб қўшилади. Унинг умуминсонийлигига қафил бўлади. Шу нуқтаи назардан Темурийлар даври ва Қўқон хонлари тарихини яхлитлиқда, қиёсий ўрганиш фанга ҳали кўпала янгиликлар бериши мумкин. Йиллар чигиридан ўтга яшаб келаятган маънавий ҳаёт тарзи (тўй ва ўтб маросимлар, халқ байрамлари, бошқа расм-русумлар), хунармандчилик, ошхона маданияти, либослар ва кийиниш меъёрлари, ўзаро муомала одобидаги сиполик, батарттиблик, майин-мулоиймлик сингари инсоний гўзалликларнинг шахс тийнатида мужасамлаштириш узоқ жаравини кечирганлиги ва одатга айланганлиги, бу кўнималар тарихнинг чуқур илдизларидан сув ичгани сир эмас. Ҳар юмушда меъёрни билиш, адабиёт ва санъатга ошuftалик, инсонни мавқеига, ҳаётда эришган даражасига қараб қадрлаш сингари кўлда идрок этилавермайдиган фазилатларнинг водий аҳлида (бошқа вилоятларни камситмаган ҳолда) нисбатан ёрқинроқ рангларда жамол очиб туриши ўтмишнинг ўша фараҳли кўнларидан етарлича озиқланганлигини самараси эмасмикин, деб ўйлаб қоламан. Не тонки, ана шундай зеболик Шаҳрисабз иқтимоий-маънавий муҳитида, турмуш тарзида буртиб тур...

Умуман, ҳали барча соҳада тадиқ қилинадиган мавзулар жуда кўп. Бундай юмушлар оддий тарихий далилларга ойдинлик киритишдан умумийлиги қиёфани белгилаб олишгача бўлган кенг қамровли вазифаларни ташкил этади. Негаки, турли сабаблар билан тарихимизда аниқлаштирилмаган, қиёсий ўрганилмаган ва баҳо берилмаган ўринлар етарли. Жумладан, Соҳибқирон қаноти остига кирган — сағиға қўшилган 20 яшар ўғли Умаршайх Мирзонин 1375 йилда Андижон ҳокими этиб тайинлайди. 18 йил ўтиб, 1393 йилда унга Форс ҳукмдорлиги топширилди. Энди саволлар туғилади. Орандан ўтган йилларда амирзода Умаршайх Мирзо Андижон ҳоким бўлиб турдимми, у қандай ишларни амалга оширди? “Бобурнома”да муаллиф уни “Улуғ Умаршайх” деб чўқур мамнуният билан эслади, чунки бобосининг исми ҳам Умаршайх Мирзо эди (икки Умаршайх ҳаётининг мутаносиб томонлари кўп: туғилиш ва вафот этган йиллари орасида фарқ — 100 йил, иккаласи ҳам шахид бўлган...). Манбаларда “Улуғ Умаршайхнинг Андижон худудиде “Тулистон” деб номланган бор барпо қилгани ва мазкур боғ анча машҳурлиқ қайд этилган. Бу ҳақда, умуман, фаолияти, бунёдкорлик ишлари юзасидан яна қандай маълумотлар бор ва уларни қареддан излаш ўринли?

Таниқли адабиётшунос олим Исмаилов Абдуллаев (Алпоҳ раҳмат қилсин!) бир тадиқотида Соҳибқироннинг оспти Қултўғ Туркон оқа ўз канизқалари билан Қамчиқ довоини орқали Биби Убайда зиёратгоҳини тавоф қилганлиги, бу воқеа анча шов-шув бўлганини қайд этган эди. Бундай ташрифлар бардавом бўлгани, улар яхшилиқка хизмат қилгани бор гап, лекин олим бу далилни нимага таяниб келтирган? Ана шундай камёб маълумотлар қарерлардадир қилватларда, кўлэзмавлар саҳифасида бекиниб ётибди. Демак, одамларнинг қўлида ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган китоблар бўлиши мумкин. Уларни излаб топиш, илмий муомалага киритиш ҳам этилган масалалардандир. Қўқон давлат музей-қўриқхонаси катта илмий ходими Мухаммад Яъқон Хўқандий яқинда нашр этилган “Олтин бешик. Хўқанд хонлари таъқираси” китобида ҳали жамоатчиликка маълум бўлмаган кўпала маълумотларни келтирган. Улар жиддий изланишларга асос бўлади. Умуман, ихтиёрида бўлган кўлэзмалар тўла тасниф қилинганми, ўрганишга киришилганми?

Ҳали маълум бўлмаган сирлар бисёр, улар тадиқотчиларини кутмоқда.

Хуллас, саволлар етарли. Мамнун бўладиган жиҳат шундаки, бу юмушларга йўл очилган ва улар давлат даражасида кўпала-қувватланяпти. Пойтахтимизда ҳали дунёда ўхшаши йўқ миллий Ислоом цивилизацияси марказидек ноёб мажмуанин бунёд этилиши саъй-ҳаракатлар қандай ўлчамларда олиб борилаётганига аниқ мисол бўлади. Ёки туркий давлатларнинг ўзаро яқинлашишга жиддий қўшиш билдираётгани оламшумул воқеа. Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида яратиб берилган шароит, кўрсатилаятган эътибор анчага гайрат, жидди-жаҳд билан изланишлар олиб боришга ундайди. Жумладан, боқий аъёнларнинг давомийлиги ва замонавий амалиётини инкишоф этиш келажакимизнинг яна ҳам пуриквор бўлишини қафолтапайди. Негаки, даракнинг томири қанча чуқур кетса, буй-баста шунча юксак бўлади, деган ҳақиқат мавжуд. Бу борада Темурийлар, бу силсиланинг давоми — Ҳиндистондаги Бобурийлар салтанати ва Қўқон хонлари тарихининг ҳамоҳанг жиҳатлари қиёсла-ниб, мукаммал ўрганилса, ана шу юмушга муносива ҳисса бўлиб қўшилади.

Ҳақим САТТОРИЙ



7,5 МАГНИТУДАЛИ ЗИЛЗИЛА

Япония шимолида 7,5 магнитудали зилзила содир бўлди. Бунинг оқибатида 30 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Бу ҳақда мамлакат Бош вазири Санае Такамити маълум қилди.

Унинг айтишича, ҳозирча халок бўлганлар ёки бедарак йўқолганлар ҳақида маълумот йўқ.



Зилзила 8 декабрга ўтар кечаси Япониянинг шимолий Аомори префектураси шарқиде содир бўлган. Зилзила ўчоғи Тинч океанида, 50 км чуқурликда жойлашган.

Авал маҳаллий сейсмологлар магнитудани 7,2 деб эълон қилган эди, кейин 7,6 га кўтарган, яқунда эса 7,5 даражасини тасдиқлаган.

Шунингдек, зилзила шарқий ва шимоли-шарқий худудларда темир йўл ҳаракатида узилтишлар сабаб бўлган. Тезорар поездлар ҳаракати вақтинчалик тўхталган.

Бу зилзила 2025 йил бошидан бери Японияда қайд этилган энг кучли силкиниш бўлди.

СУҒУРТАСИЗ САЙЁҲЛАР ГРУЗИЯГА КИРИТИЛМАЙДИ

Грузия ҳукумати 2026 йил 1 январдан бошлаб мамлакатга кириш тартибига муҳим ўзгариш киритмоқда.

Миллий туризм бошқармаси маълумотига кўра, энди мамлакатга ташриф буюрувчи ҳар бир сайёҳдан тиббий суғуртага эга бўлиши қатъий талаб этилади.



Расмийларга кўра, янги қоғдага амал қилинмаса, суғуртаси йўқ шахслар чегарадан ўтказилмаслиғи ёки улар учун қўшимча шартлар белгилашни мумкин.

Мазкур тартиб, аввало, меҳмонлар ҳавфсизлигини кучайтириш, қутилмаган тиббий ҳаракатлар сабаб юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни қамқатириш ҳамда мамлакатдаги саёхат инфратузилмасини янада тежамкор ва барқарор қилиш мақсадида нинг жорий этилган.

РУБЛЬ ВА ОЛТИН ОЛИБ ЧИҚИШ ЧЕКЛАНДИ

Россия ҳукумати мамлакатдан нақд рубль ва олтин олиб чиқишга чекловлар жорий этишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Россия Бош вазири ўринбосари Александр Новак маълум қилган.

Кремлдаги миллий лойиҳалар ва стратегик ривожланиш бўйича кенгаш йиғилишида сиёсатчи шундай баёнот берди. У янги тақиқлар яширин иқтисодийни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар сирасига киришини айтди. Ушбу режани ишга туширишни Президент Владимир Путин топширган.



Молия вазирлиги режасига кўра, олтин экспорти киши бошига 100 грамм билан чекланади.

Рубль ва олтинни олиб чиқишга қўйилмайдиган чекловлардан ташқари, режа яна 8 та йўналишни қамраб олади.

ЭНГ УЗОҚ ПАРВОЗ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

“China Eastern Airlines” авиакомпаниясининг “Boeing 777-300ER” самолёти дунёдаги энг узоқ парвозни амалга оширди. Ҳаво кемаси 29 севтада 20 минг километр масофани босиб ўтди.

“Boeing 777” — дунёдаги энг йирик ва оммалашган икки моторли реактив ва кенг фюзеляжли самолёт. Айнан у Хитойнинг Шанхай шаҳридан Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳригача бўлган энг узоқ тижорат рейси учун танланди, деб ёзди “Express”.



Бироқ бу парвоз қўнишларсиз ўтди, дегани эмас. У экипажини алмаштириш ва ёниги қўйиш учун Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрига янги соатга қўнди.

Таблоидлар ёзишча, бундай узоқ парвоз кимгадир азобли туюлиши мумкин, аммо ана кимларгадир икки кун давом этадиган бошқа парвозлардан анча қўлайроқ.

“GOOGLE” VA “APPLE” БУТУН ДУНЁНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

“Google” ва “Apple” компаниялари Марказий Осиё давлатларини ҳақерлар ҳужуми ҳақида огоҳлантирди. Бу ҳақда “Reuters” маълум қилди.

Утган ҳафтада ушбу икки корпорация ўз махсулотлари фойдаланувчиларига ҳақерлик таҳдиди ҳақида оммавий равишда огоҳлантиришлар юбора бошлаган. Шу билан бирга, “Google” Қозғис-тонни киберҳужумлар ҳавфи, айниқса, юқори бўлган давлатлар каторига киритди.



“Apple” ўз навабатида, огоҳлантиришлар 2 декабрдан буён юборилаётганини маълум қилди. Шу билан бирга, корпорация эҳтимолий ҳақерлик ҳужуми ҳақида ҳам тафсилотларни тақдим этди ва ҳужумга учраган фойдал



Chortoq

“Chortoq mineral water”

қўшма корхонаси жамоаси

*Миллий Мустақиллигимиз,
гурур ва ифтихоримиз тимсоли
бўлган Конституциямизнинг
33 йиллиги шарафланаётган
ушбу кунларда барча
юртдошларимизни
самимий қутлайди.*

*Бош қомусимиз
Янги Ўзбекистонни барпо
этишда халқимиз учун
беқиёс куч-гайрат, ишонч ва
илҳом манбаи бўлиб хизмат
қилаверади.*



НАСР

Бомдодни адо этган Ғулом муаллим икки ёнга салом бериб, энди ўрнидан тураётган эди, одатдагидек, нариги хонанан гингшиган овоз эшитилди. Жойнамозни тахлаб, орасига тасбеҳни солди ва дераза тоқчасига қўйди. Ортига қаради: қизи ухлаб ётибди. У офтоба кўтарганича ўчоқ айвонга қараб кетди. Ҳалигина у бомдодга олов ёқиб, сув иситган ва қумгонни чуғ устида қолдирган эди. Офтобага илиқ сув тайёрлаб, изига қайтди ва ташқари эшик ёнига тўнкариб қўйилган мис дастшўйни олиб, ҳали овоз келган хона эшиги олдига келди-ю, тутқични ушлаганича буюк бир қаломни ўқитгандай жим туриб қолди. Сўнгра секин эшикни итарди. Димоғига гуп этиб, чирк аралаш шиптир хиди урилди.

— Ғ, Худойим-эй...
Ғулом муаллим чироқни ёқди. Хонада олтимшдан ошай деганда аёли вафот этган, изидан икки ой ўтмасдан инсультга чалиниб, чириган чўпдай тўзиб, қуриган қалампирдай эгилиб, гўдақдай енгил, кўзлари кўрса-да, қулоғи том битиб, тилдан қолган ва хотираси кетганлигидан ўзини билмайдиган ҳолга келган отаси ётибди. Тўрдаги деворга кашта илинган ва икки қатор тахмон кўтарилиб, ўртасига пастак шкаф қўйилган. Устида дори-дармон аралашиб ётибди. Ундан тепада чамаси эллиқ ёшлардаги эр-хотин сурати. Унда қоллари қалин, пешанаси кенг, қирра бурунли қорувли эркак ва озгин, касалманд, хушрўйгина аёл тасвири акс этган. Эшик томондаги қўлбола стол устига телевизор қўйилган. Каравот қаршисида ерга яна бир тўшак солинган. Унда Ғулом муаллим ўтиради ва кечалари ётиб ҳам қолади. Тун-кун отасининг ёнида. Ҳозир ҳам уйқоқ, шифтга ҳиссиз термилиб ётган падарининг уфунат анқиган кўрпачини кўтариб, тагликни алиштирди. Эски пахта кўйлакни илиқ сувга ботириб, авратларини артиб чиқди ва каравот устига ўтиргизиб, юз-кўлини ювиб қўйди. Майин сочиқ билан авайлаб артди... Аммо ота буларнинг ҳеч қайсини англамаётган, ҳатто ҳис этмаётган эди... Унинг нигоҳлари номаълум нуқтага қадалиб қолган, бир маромда нафас олар, лабининг чети осилиб, оғзидан мажолсиз нам оқиб турарди.

— Ота!..
Жавоб йўқ, ҳис йўқ. Икки йилдан ошдики, шу аҳвол.

Ғулом муаллим қароқларини эзиб, бўзғини тўлдириб келган ғўссасини ичга ютди-да, отасини яна жойига ётқизди. Дастшўй билан офтобани олиб, ташқарига чиқди.

— Дада, чой дамлайми?

Ғулом муаллим "ҳозир" дегандай қизига бир қараб қўйди-да, ҳовли тўрига қараб кетди. Ахлатни урага тўкиб, офтобадаги сувдан дастшўйни чайди. Изига қайтаётиб, атрофга боқди. Тонг ёришиб келгати. Теварақдан чумчуқлар чуғури, итлар хургани, қўйларнинг маъраши, болакайларнинг овози эшитилади. Унинг қалби ўртанди.

— Онағар, юзсизлик қилмаганида, ҳозир икки болаям уй олдида чуғураб юрган бўларди...

Қайнотанинг тўшақда ётиб қолиши келинга малол келди, буни жийирилди. Маҳрам ишларни Ғулом муаллимнинг ўзи бажараётган бўлса-да, илиқ сув тайёрлаб бериш, уй йиғиштириш, овқатига қараш оғир бота бошлади. Бир ҳафта ўтмай очик айтди:

— Мен сизга отангизнинг кетини тазалайман деб текканим йўқ!

— Ҳей, озгинги ёп! — шундоқ ҳам ўзи ҳиқилдоғига келиб юрган Ғулом муаллимнинг қони қайнади. — Нима, малол келаятими? Ўзимга тегишлисини ўзим қиялман-ку!

— Барибир бажаролмайми! Бошқаларам қарасин!

— Нима, отамни эплолмаяпман деб шаҳардаги акамга обориб берайми ёки опамларни кига ташлаб келайми?

— Нима қилсангиз қилинг! Лекин мен қарайман!

— Шу ердан нон-туз еясанми, мени деб келганман, қарайсан!

— Мен сизни деб келганман, отангизни деб эмас! — йиғлаб юборди аёли. — Бу одам нима қилаётганини билмас, сезмас, ҳатто бизнинг кимлигимизни билмайди-ку!

— Эй, аҳмоқ! Ахир у отам-ку!

— Бундай одамни ноғиронлар уйига топшириш керак!

Бу сўз жиззак келиннинг оғзидан қандай чиқиб кетди, Ғулом муаллим қандай қилиб унинг башарасига урди, билмайди. Дунё кўзига қоронғи бўлди. Гуноҳлар азалдан аёл сабаб вужудга келган. Ёдида қолгани — юраги кирланган, сабрсиз аёли додлаб, уларни қарғаб, болаларни: "Юр ҳамманг, отанг шиптирга ботиб ўтираверсин! Энди бу уйда тинчлик йўқ!" деб етаклаб, йўлга тушди. Бошлангичда ўқийдиган икки ўғил кўзидай бўлиб, онасига эргашиди. Фақат катта қизи — Насиба қолди.

— Бормайман! Бувамга ким қарайди?! — деди ва ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Юр! — бақирди аёл. — Энди бу уй чириб кетади... Мослиқхонага айланади!

дойилик ва жасорат талаб қиларди. Муаллим эса буларни ҳеч бир оғринчиси бажарар эди...

Ҳозир ҳам отасининг ёнига қайтиши билан телевизор столида турган дастурхон билан кичик косани олди. Насиба чой дамлаб кирди. Ғулом муаллим косачага новот солиб, чой қўйди ва устидан нон тўгради. Сўнгра падарини ўрнидан турғизди ва кўтариб олиб, дастурхон бошига ўтиргизди. Бундай пайтларда қария гинг-гинг, тихирлик қилиб қолар, ўғил эса авайлаб, баъзан имо-ишоралар, баъзида пешанаси, чаккаларини уқалаш орқали тинчлантириб оларди. Ҳозир ҳам отасининг соҳибига бўйсунмас оёқларини йиғиб, белига ёстиқ қўйди. Қария ўзини хиёл орқага ташлади, боши деворга суялди. Кўзлари атрофга аланг-жалаң боқди. Ғулом муаллим унинг ёқасига сочиқ кистирди. Аввал сувга қўшиб дори ичирди. Сўнгра қошиқ

сини созлагандай кўрпача солди. Сув ва сочиқ қўйди. Сўнгра уйга кириб, отасини кўтариб чиқди.

Бемор илк бора ноғиронлик аравачасига ўтирганида, гарчи унинг нималигини билмаган эса-да, ёш боладай қувонган, ўғли уй олдида суриб юрганида қўллари уйнатиб, аравача тутқичларини шапатлаб урган ва аллақандай завқланган эди.

— Ота! Аравача сизга ёқдими?

Ота жавоб ўрнига мийғида жилмаяр, "Яна ҳайда" дегандек бутун танасини қимирлатишга уринарди. Ғулом муаллим секин аравачани итариб борар, падарининг боши қимирлаб, озгин бўйин терилари тортишиб, қўллари кўтарилиб тушар, бармоқларини енгил уйнатарди. Бундай пайтда ўғилнинг юраги тўкилар, қизи кўрмаслиги учун бўзғини тўлдириб келаётган

Холиёр САФАРОВ



Муаллиф ҳақида:

Холиёр Сафаров – 1983 йил Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида таваллуд топган. 2005 йилда Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Асарлари рус, турк, озар, қирғиз, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган. Ёзувчининг "Ой ботмаган кечалар" (2010), "Қанотсиз қушлар" (2015), "Номус ва ҳаёт" (2019), "Онамнинг ёлғонлари" (2024) номли китоблари чоп этилган. Ани пайтда "Ўзбекистон тарихи" телеканали "Илмий-оммабоп телефильмлар" муҳарририяти катта муҳаррири вазифасида ишлайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



ЖАННАТ ДАРВОЗАСИ

(ҲИКОЯ)

Насиба ўзини отасининг панасига яшириб, белидан қучоқлаб олди. Муаллимнинг бутун вужуди қақшади ва лаблари гезариб кетган хотинига қараб бақирди:

— Йўқол, падарингга лаънат! Қайтиб қорангни кўрмай!

Аёл кетди, қиз қолди. Қаҳри қаттиқ экан. Шу кетганича қорасини кўрсатмади. Ғулом муаллим ҳам ўрлик қилиб, сурамади. Мактабдаги ишидан ҳам бўшади.

— Бошқа иложим йўқ... — деди директорга. — Сизни тушуняпман, менга пул ҳам керак, аммо энди ишлаёлмайман. Бир кун келиб, икки кун келолмайдиган бўлсам, ҳаммаси аросатда қолади. Халқнинг боласини алдаб нима қиламан? Шунчасига чидаяпман, бир ит куним ўтар-да... Ҳозир отамнинг ёнида бўлишим керак.

Шундан бери нафақага кун кечиради. Элчилик, кўни-кўшни сўраб, ош-нон кўтариб чиқади. Шаҳардаги акаси ердам беради, опалари хабар олади. Нон ёлиб кетади. Икки-уч кунлаб ёнида қолишади. Аммо ҳар қаллада ҳар хаёл. Акаси: "Келинни олиб кел", дейди. Опалари эса: "Ундай дўзахининг боридан йўғи", дейди. — Менга шу хотиндан гап оманглар... — Ғулом муаллим ўртаниб кетади. Кўнгил бериб, бир ёстиққа бош қўйган аёлининг бу синовда шундай тесқари бўлиб қолганини ҳазм қилолмайди. — Энди менин жаннатим ҳам, дўзахим ҳам отам... Агар уйдаги вазият сизларни хижолатга қўяётган бўлса, бу ҳақида уйламанглар. Тамом-вассалом!

Вазият шунчилик таранг эдики, қайси жиҳатдан ёндашганда ҳам барча тушунчалар, қарашлар буюк гоа каби отага келиб боғланар ва ҳиссиз, хотирасиз, абгор ётган падарни бузрукворнинг хизматига бўлиш фарзандлардан фи

билан косадаги ивиган нондан олиб, пуфлаб аввал ўзи татиб кўрди. Ҳароратини аниқлагач, отасининг оғзига тутганди, пураба юборди. Ивигилан нон бўлақлари дастурхонга, бир қисми бўйиндаги сочиққа тўкилди. Насиба ҳаммасини артиб олди.

— Раҳмат, қизим... — деди ва яна отасининг оғзига таом тутди. Бу гал еди, аммо тўрт-беш қошиқдан кейин яна пураба юборди. Яна артиб олинди. Ғулом муаллим ёш болани уйнатгандай қошиқни аввал отасининг, кейин ўзининг, яна отасининг оғзига тутиб, косадаги нонни охиригача едирди. Кўнгли жойига тушди. Яна дорисини берди ва устидан новот чойни ичирди. Яна илиқ нам латта билан юз-қўлларини артиб қўйди.

Қорни тўйганиданми, қариянинг юзида табассум балқиди. Бир муддат деворга тиралиб лоқайд ўтирди-ю, кейин ўзини ёнга ташлаб юборди. Ҳар лаҳзада нимадир юз беришига кўникиб қолган муаллим отасининг елкасидан тутиб қолди ва кўтариб, яна каравотига ётқизди. Шу пайт ҳаво бузилди... Насиба гўё ҳеч гап бўлмагандай дастурхонни йиғиштирди-да, чойнак-пиёлани кўтариб, хонадан чиқиб кетди. Қария ноншутадан кейин бир муддат шифтга қараб жим ётади. Бу пайтда Ғулом муаллим ташқаридаги ишларини қилиб олади. Қизини мактабга жўнатади. Мол-ҳолга қарайди. Ҳозир ҳам чикса, Насиба кийиниб турган экан.

— Қизим, сен мактабингга бориб кел, — деди. — Ҳа, кетяпман. — Ҳа, ойналай сендан. Яхши ўқигин. Ғулом муаллим унинг бошини силаб қўйди, аммо ич-ичидан нимадир чирт узилди.

Насиба кетган, даҳлизда турган аравачани ташқарига чиқарди ва келинчақлар қоляска-

ғўссасини ичига ютарди. Бора-бора бунга ҳам кўникиди. Аёлининг йўқлиги, қизи ва отаси ўртасида абгорлигидан баъзан қизининг сочларини тараб, ўриб қўяр, уни кучиб: "Она қизим, ойналай сендан..." деб эркалаш билан ҳам ўзининг ҳасратларини, ҳам Насибанинг соғинчларини аритарди. Қизи ҳам онасиз ҳаётга кўникиб борарди...

Ғулом муаллим авваллари отасини аравачага ўтиргизиб, фақатгина ҳовли ичида юрарди. Кейинчалик кўчага ҳам олиб чиқади-ган ва маҳалла гузаригача айлангириб келадиган бўлди. Буғун отаси ногоҳ қўлини кўтариб, тўғрига ишора қилди. Фавқуллодда юз берган бу ўзгаришдан муаллимнинг юраги тошди. Олдига ўтиб сўради.

— Қаерга олиб бораё, ота?

Отаси жавоб ўрнига яна тўғрига ишора қилди. Айтганини бажарди. Тош кўчада аравачани шикирлатиб кетаверди. Анча юрди, у ёқ-бу ёққа бурилиб кўрди, аммо отаси фақат тўғрини кўрсатарди. Охири тушунди — қабристонга боришни хоҳлаётган экан... Титраб кетди. Қабристон дарвозасига етганида аравачани тўхтатди. "Энди қайси томонга ишора қилар экан?" деган умид билан отасининг кўзларига боқди, аммо ҳиссиз нигоҳлардан ҳеч нарсани ўқи олмади. Айтин дамда ота нега бу ерни кўрсатганини унутган ва бефарқ бир ҳолатда бошини хиёл эгиб, жим турарди.

— Ота, ичкарига олиб қирайми?

Отанинг нигоҳлари бир нуқтага қадалиб қолганди. Ғадир-будур йўлнинг чарчоғидан силласи куриб тез-тез нафас оларди. Ғулом муаллим резина идишчаннинг оғзини очиб, отасига сув ичирди. Ота сувни тўкиб-сачратиб ичди-да, идишни уриб юборди...

— Ё, Аллоҳим... Узинг сабр бер!..

ШЕЪРИЯТ

Унутмадим чехрангни асло...

Холик ҲАКИМ



Муаллиф ҳақида:

Холик ҲАКИМОВ — 1949 йил Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида туғилган. Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетида тахсил олган. Ижодкорнинг "Дашта байрам", "Замин саховати", "Яхшиликдан яралган дунё", "Далаларда қолган хисларим", "Хуморим" сингари ўндан зиёда шеърый ва насрий китоблари нашр этилган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЎЗИНГ ЭДИНГ

Осмон роса йиғлади бу тун,
Кўз ёшини тўкиди челақлаб.
Нур таралиб, ёйилганда кун,
Оқ-қорани олди элаклаб.
Туни билан менда бир исён,
"Нега?!" деган сўроқ бермас куч.
Сенсиз қолган кунимдан буён,
Гўё тақдир олар мендан ўч.
Камми шунча сенсиз ёнганим,
Яна қанча дош берсин юрак?
Ўзинг эдинг бир ишонганим,
Бошқасини билмасам керак...

БИР СЎЗ ДЕМАЙ...

Ажрашдик. Рўйи руҳсоринг
Яшаётир кўксимда ҳамон.
Ширин дамлар эҳтирсонли, энг...
Дилдирраган дилга армуғон.
Унутмадим чехрангни асло,
Қалбим дардга бўлса ҳам ошно.
Ташлаб кетсанг ҳамки, севгилим,
Инкор этмас юрак, эҳ, ташна!
Пешонамни деворга тираб,
Эслағайман у ширин дамни.
Бахтли онлар чоғидан умид,
Ёқармансан юракда шамини?

Кўздан ёшим томчилар юм-юм,
Ўрталикда куйди не тилсим?!

КУЙГАН БОРМИКАН?

Бу дунёда мендайн кўйингда куйган бормикан?
Ишқнинг ҳар зарбидан фароғат туйган бормикан?

Қай хислатинг битайин юрак қоним сиёҳ этиб,
Ўзгани кўрмай кўзи, бир сени суйган бормикан?

Маржон каби илга тизсам тақдиримнинг додини,
Тош қалбинг эриб зора, тингласа дил фарёдини.

Оҳ, бу оташ дилгинангни дилимга бойласа-ю,
Очун ҳеч кўрмас бўлса, мендан ортиқроқ шодини.

ОШИҚЛИК БАХТИ

Тунлари куйиб, кундузлар ёниб,
Севгига талпинди девона юрак.
Ҳижрон кемирганда ўзидан тониб,
Алам саҳросини кезди жонсарак.
Асло қайғурмагин, ўксима, эй дил,
Армонлар жамланиб, айланди шеърга.
Фақат хотиржам бўл, сўнгра шукр қил.
Сенга ишқни инъом этган тақдирга.
Севмасанг, эҳтимол, шеър ҳам битмасдинг,
Ой-у юлдуз кўздан боқмасди, ишон.

Ғафлатдан бир қадам нари кетмасдинг,
Булутлар ортида бўларди осмон.
Асло қайғурмагин, ўксима, эй дил,
Армонлар жамланиб, айланди шеърга...

СЕН КАБИ...

Ҳеч ким сен каби кўнглимни
Батамом забт этган эмас.
Йўлларингга буриб йўлимни,
Кутаяпман – наф йўқ, абас.
Хаёлим банд сен-ла тун-кун,
Занжирбанд асирман ўзим.
Йўл қараган ғарибу тутқун,
Кўзёш тўкиб гоҳида сим-сим.
Қайдан билсин ишқсиз гумоҳ
Девона шоирнинг дардини?
Қора сочларинг олар, оҳ,
Бамисли тегирман гардини.
Қанду бол сўрсам тилинган,
Розиман ёки йўқ дегайсан.
Тиз чўкиб тутсам қўлингдан...
Жоним, сен бунга арзийсан!

ЎТИНЧ

Соғинч бир олам бўлиб,
Хузурига бораман.
Озгина ўпкам тўлиб,
Унга дардим ёраман.
Машаққатим айтиман,
Елғизлик куйдирганим.
Мен ғариб бечорани
Жонидан тўйдирганим.
Умр бўйи излаб уни,
Топган-у йўқотганим.
Қалбимдаги туйғуни,
Кетказолмай қотганим.
"Бирга ўтказган олар
Соғинтирди, – дейман, – ёр.
Адо қилди ҳижронлар,
Этгин мени бахтиёр..."
Сенинг қовоғинг солиқ,
Кел, шу қарашмангдан кеч.
Афсусда эмас Холик,
Сени севганидан ҳеч!

ТАБИАТ ТИЛСИМЛАРИ

ТАМАДДУННИНГ ОЛТИН БЕШИГИ

Қадим тамаддуннинг неча минг йиллик садалари келиб турган Навоий вилоятининг Сармишсойдаги нодир обидалар — петроглифлар ўтмишимизнинг янгидан-янги қирраларини намойиш этиб, минглаб хорижлик меҳмонларни юртимизга чорламоқда.

Зарафшон дарёсидан ўтиб, Қалқонота зиёратгоҳи ва Сармишсой дарасига бора-боргунча йўл ёқалари ободонлаштирилиб, беҳисоб анвойи гуллар ўтказилган. Бутунлай янгича қиёфага кирган турар-жой бинолари эса ҳар қандай киши кўзини қувонтириб, кайфиятни кўтарди.

ҚОЯЛАРГА БИТИЛГАН ТАРИХ

Айтишларича, “сармиш” қадимги сўғдийча сўз бўлиб, “саримушк” — “асл гул ҳиди анкувчи макон” деган маънони англатади. Номи узукка кўздек ўзига ярашган Сармишсой вилоят марказидан ўттиз беш чакирим шимол-шарқда жойлашган. У Нурота тоғ тизмаларига кирувчи Қоратоғ этақларидаги энг хушманзара, гўзал даралардан бири ҳисобланади. Сабаби, Зарафшон дарёсининг зилол сувлари юзини юйиб турган Навбахор тумани (Сармишсой дараси жойлашган маскан) қадимги аждодларимизнинг бой маданий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ноёб тарихни ўз бағрида сақлаб келаётир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурдаги Археология институти олимлари ўтган асрнинг олтинчи йилларида ушбу ҳудудда маданий меросни ўрганишга киришган эди. Археологик қазилмалар натижасида қадимги яшаш манзилларининг қолдиқлари, жумладан, Қалқонота ёдгорликлари: Учтут, Чақмоқтош қонлари, Сармишсой, Қоракўнғирсой, Биронсой, Қоратоғ суратлари каби қадимий ёдгорликлар борлиги аниқланди. Топилган осори-атиқалар шундан гувоҳлик берадики, бу қадим заминда эраимиздан аввалги олтинчи, бешинчи асрларда ҳам аждодларимиз истиқомат қилишган. Учтут, Ижанд, Сармиш деб аталувчи манзиллардан топилган ашёвий далиллар, ёдгорликлар, тошбитиклар, ов қуроллари бу маконда ижтимоий ҳаёт жуда эрта бошланганидан сўзлайди.

Навбахор туманидаги қадимги ёдгорликлардан яна бири Сармишсой дарасидир. Унинг баланд қоятошларидаги суратлар сони ўн мингдан ошди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Сармишсой дараси ва у ердаги ибтидоий суратлар ҳақидаги қуйидаги эътирофи маънавият, қадрият, тарихга бўлган эътиромни янада оширади:

“Сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шаҳрининг ёши нечада? Ёки чўли Маликдаги эски сардобалари қачон пайдо бўлган? Сармишсой дараси ва горидаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешиқларидан бири эканидан дарак бермайдими?”

Дарҳақиқат, бу замин бағридан топилган осори-атиқалар, ёдгорликлар, ов қуроллари, зиёратгоҳлар тарихдан ҳикоя сўзлайди гўё. Чунки, очик осмон остидаги ғаройиб тарихий ландшафт музейи туфайли Сармишсой нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг бойлиги, десак, муболага бўлмайди. Зеро, Сармишсой дарасидаги кўплаб тарихий ёдгорликлар, жумладан, турли даврларга оид тўрт мингдан ортиқ петроглифлар ҳали-ҳануз ўз жилосини йўқотмаган ҳолда дунё эътирофини ўзига жалб этиб келмоқда.

ЗУЛҚАРНАЙН ДАРАСИ

Мен туғилиб ўсган жойлар Сармиш дарасидан унча узоқ эмас. Шу боис болалигимда Жума катта отам билан Сармишсой дараси ва горидаги ибтидоий суратларни кўргани тез-тез бориб турардим. Айниқса, бобом менга тошларга чизилган сурат-ёзувларни кўрсатиб, уларнинг тарихи ҳақида соатлаб сўзлаб берар эди. “Кампир кунжак”, “Искандар Зулқарнайн”

деб номланган даралар менда катта таассурот қолдирган. Улар мени ўзига тамомла ром этиб кўйганди. Ҳамон ёдимда, Зулқарнайн қоясида жаҳонни зир титратган Искандар Зулқарнайннинг узоқ-узоқларга қазаб, қаҳр, нафрат билан ўқрайиб турганини кўрганимда, буни ким яратган экан, деб ҳайрон қолгандим. Ушбу қоя сал наридаги қалъа қолдиқлари ва вайронасига кўзим тушган, гап нимада эканини тезда фаҳмладим.

Ҳойнаҳой, Жаҳонгир (тарихда “Тахтизар” деб номланган) мазкур қалъада миллий қаҳрамонимиз Спитамен билан тўқнаш келган. Ўртада аёвсиз жанг бўлган. Кўплаб қурбон берилган. Бироқ, шунга қарамасдан, қалъа аҳли ёвга таслим бўлмай, жон-жаҳди асносида ўз юртини, тупроғини ҳимоя қилган. Алалоқибат, Тахтизарни қўлга киритолмасдан хунуби ошган Искандар мана шундай қараб қолади...


Яна бир сафар у ерга борганимизда, катта отамдан бу расмларни ким чизганини сўрадим. Шунда Жума катта отам нигоҳларини олис-олиспардаги қояларга қадаганича оҳиста гап бошлади.

— Биласанми, кўзичоғим, бу даралар, қоялардаги харсангтошларга битилган юзлаб, минглаб суратлар, аслида, тарихдан сўзлайди. Сабаби, бу битикларни қадимда ота-боболаримиз юрак кўрини, қалб меҳрини бериб чизган. Шунданми, буларнинг ҳар биттаси қатида ривоят, афсона, нақл яширинган. Мен бу ёдгорликларни бебаҳо дурдоналар сирасига қўшган бўлардим, — деганди.

Улғайгач, катта отам айтган гаплар ҳақиқат эканига амин бўлдим. Англадимки, ҳар бир инсон ўз юртидаги қадимий, салобатли тоғлар, дараларни яхши билиши керак экан. Айтганча, катта отам нуқул Нурота тоғ тизмаси дараларини “Сусамбил бу”, дея айтгани-айтган эди. Ҳа, афсона ва эртақларда таърифи келтирилган эркинлик, тенглик, бахт-саодат диёри Сусамбилнинг ўзи-ку, дегани эсимда.

КАМПИР КУНЖАК

Музробга чўпонлик таёғи отасидан мерос. Ўшандан бери у узукун тоғу тошлар занжирдек қоплаган Сармиш тоғи этақларидаги серунум яйловларда қўй боқади. Бу макондан учи



ўткир, арратил чўққилар кўзга ярқ этиб ташланиб турарди. У баъзи-баъзида улкан харсангтош кавакларига беркинганча, бўри ёки шоқолларни пойлайди. Аммо сурув ёнида чўпон бўлганидан, қаққирлар кундузлари чорвага очикчасига ҳужум қилишга журъат эта олмайдилар. Уларни одамдан кўра, ўқотар қурол беҳад чўчитарди. Бир куни чўпоннинг қизиқши устун келиб, тепадан яққол кўриниб турган икки қояга чиқиб бормоқчи бўлди. Унга шу тобда очик ердаги сўмоқ йўл жуда ҳам асқатди. Тепага кўтарилгунча баданини жиққа тер босди. Лекин у сир-бой бермади. Аксинча, ўзини тетик, бардам тутарди. Ниҳоят тепага чиқиб олди. Толиққаниданми, дарҳол улкан хар-



санг устига чўзилди. Кўзи илинган экан. Шунда унинг юз-кўзини аллақандай қўл силай бошлади. Ўзича ўйлади. Бу қўл эгаси ачина бўлмасин тағин? Шунги фикр қила туриб, шўрликнинг юраги орқасига тортиб кетди. Болалигида кампир момоси айтгунчи эди: “Борди-ю, тоғ-тошда, дала-қирда олдиндан сап-сарик ачина чиқиб қолса, ўзингни йўқотиб, шалпайиб қолма. Аксинча, ўзингни қўрмаганча ол, дадил, тетик тут. Шу заҳоти унинг сончидан маҳкам бураб олиб, калиманни келтир”.

У кўзини очганида, қаршисида чиройли, қош-кўзлари попуқкина қиз безоргина тикилиб ўтирарди. У қизга қараб лол қолди. Нечун тақдир уни бу хилват гўшада гўзал қизга йўқитди? Эҳтимол, ҳаёт йўли бу паривашга боғланар. Йўқ, йўқ, у ачина эмас, аксинча, бўлғуси умр йўлдошининг нақ ўзгинаси.

Улар, ниҳоят, танишиб олдилар. Шу маҳал аллақердан қайвони бир кампир келиб қолди. Дедиким:

— Болам, менинг исмиمنى Мастура дейди-лар. Ҳов, пастиқдаги қишлоққа тураимиз. Агар неварамни ёқтириб қолган бўлсанг, чўзмасдан совчи юбор. Урф-одатларимизни адо этиб, тўй қиламиз.



Мастура кампирнинг бу гапи йигитнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Кўп ўтмай, тўй ҳам бўлди. Ҳамма шоду хуррам уй-уйига тарқади. Аммо негадир одамлар ошёнларига қайтиш чоғида:

— Оғайни, эртага жуваналарни (маҳаллий шевада ҳўкиза дейилади) тоққа, Музроб кели билан момосига дуч келган жойга, яъни “Кампир кунжак”ка ҳайдаб бораман. Шунга қўмақлашсанг дегандим, — деди.

— Майли.

— Раҳмат!

Шу тариқа жўралар хайрашдилар. Бу вақтда шамол дов-даракларни, буталарни зўр бериб юлқилай бошлади. Ҳаво эса тунд, тўқимтабиат бўлиб қолганди. Энди гапни эртақлардагидек чўпон йигитдан эшитилдик. У ёрини топан кезлари қувонганди. Қолаверса, у отган тош мўлжалга беҳато теккан эди. У шунанакни қувониб, кампирни алқаб, улар билан дуч келган қоятошни “Кампир кунжак” деган ажабтоғур ном билан атай бошлади. Тез орада “Кампир кунжак” атамаси халқ қалбига худди кўрғошдек ўрнашди-қолди. Аслида, кунжак бурчак деган маънони англатади. Бундан чиқди, маҳаллий аҳоли лугати янги бир сўз билан бўйди. Одамлар эса чўпон йигитнинг ном кўйишдаги тоқирлигига, нарсалар моҳиятини чуқур, тўғри таҳлил қилишига қўйил қолгандилар.

Сирли текисликлар тугаб, шоққин сой бошланадиган жой тепасида бир сирли қоя бор. У худди кампирнинг кунжакда, бурчакда қотиб турган ҳолатига жуда-жуда ўхшаб кетади. Уни кўргани тез-тез одамлар келиб туради.

ОСМОН ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Вақт имиллайди. Шу боис шошилмасак бўлмасди. Ҳамроҳлар билан Қоратовнинг энг баланд нуқтасига қараб йўл олдик. Аслида, мазкур маконга тошларни ушлаб, чирмашиб чиқиб

Қирғизистон, Ўзбекистонда ўтказилган илмий анжуманларда Сармишсой маданий мероси тарихи, унинг умуммаданий аҳамиятини ифода қиладиган муҳим масалаларга батафсил тўхталиб ўтилди. Шунингдек, Сармишсойда илмий ҳамкорлик ишларини олиб бориш ҳамда ўзаро таъриба алмашиш мақсадида бу ерга Норвегия, Финландия, Россия, Қозғистон каби давлатлардан етук мутахассис ва олимлар тақлиф қилинди. Бугунги кунда “Сармишсой табиий археологик мажмуа музейи қўриқхонаси” Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО эътиборида. Бу эътироф Сармишсой номини бутун дунёга танитди. Бугун бу маскандаги қадимий аждодларимизнинг тош давридаги ҳаёти, тарихи, маданиятидан ҳикоя қилувчи ноёб қоятош суратлари, археологик тарихий-маданий ёдгорликлар, табиатнинг ранг-баранг жозибадор бойликлари хорижлик сайёҳларини ҳам қўйиб қолдирмоқда. Шу ўринда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига қадимий ва ҳаммиша навқирон Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий маркази, Хивадаги Ичанқалъа мажмуаси киритилган бўлиб, ташкилот томонидан уларнинг дунё миқёсида тарғиб этилишига жиддий аҳамият қаратилаётганини айтиб ўтмасак бўлмас. Бундан ташқари, яшариш ва янгилашни айёми — Наврўз, аския, катта ашула, Шашмақом, Бойсун маданий мероси, “Палов маданияти ва аънавалари” инсониятнинг озаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентлари рўйхатидан муносиб жой олганлиги кўнгилда қувонч хисларини уйғотади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича иш юритадиган ташкилоти — ЮНЕСКО билан Ўзбекистоннинг ораси яхши, бошқалар хавас қилгувчи. Негаки, Ўзбекистон бу ташкилотга 1993 йилдан бери

аъзодир. Мазкур нуфузи баланд ташкилотнинг пойтахтимизда ваколатхонаси иш бошлаганига бу йил йигирма саккиз тўлди. Бу вақт орасида ЮНЕСКО ва мамлакатимиз орасида муносабатлар ўнганди. Оқибатда ҳамкорликда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. У юртимизда ўтказиб келинаётган қатор маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчиси бўлиб келаётир. Кишини хайратлантирадиган даражада гўзал ва мафтункор Сармиш дарасини кезиб юрганимда, номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга астойдил бел боғлаган жаҳоннинг мартабали ташкилоти ЮНЕСКОнинг хайрли амалларини ёдга олдим.

Аслида, соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, Нурота тоғ тизмаларига қарашли Қоратовнинг Сармиш дарасидаги қоятошларга чизилган расмлар, петроглифлар неолит, бронза даврига бориб тақалади. Қояларда буқа-тур, сигир, шер, йўлбарс, қоплон, бўри, ит, илон, қулон, от, туя, қийик, бугу, эчки, хархар ва бошқа ҳайвонлар билан бирга ўқ-ёй, найза, қилич ва ҳўжалик буюмлари ҳамда турли геометрик шакллар акс эттирилган. Қоятошлардаги суратларнинг кўриниши ва ҳажми турлича бўлиб, айримлари 30–40 сантиметр, бир хиллари 70–80 сантиметр, баъзилари эса бир метрдан ортиқдир. Улкан қоятошларга туширилган тасвирлар даранинг қадимий табиати, ҳайвонот олами, инсониятнинг ибтидоий ҳаёт тарзини ва инсоният тараққийотининг маълум босқичларини ўзида тўла-тўқис акс эттирган.

СИРЛИ СУРАТ

...Сармишсой дарасини айлиниб юриб, табиий силлиқ тош деворларнинг биридаги антиқа расм мени қизиқтириб қўйди. Унда йўлдан катта ва бадавлат карвон ўтаётгани тасвирланган. “Чўл кемаси” дея таърифланадиган, ўрқачли йирик туялар икки қатор бўлиб, тизилишиб борапти. Чиройли безатилган туянинг устида эса қўғирчоқдек ясангирилиб, баланд бош қийим кийгизилган қиз тасвири. Бунда келин олиб келиш маросими тасвирланганини кўриш мумкин. Иккинчи қатордаги туяларда келин ва қувонинг қариндош-уруғи сеп олиб боришмоқда. Ушбу тасвир фақат қуёш чиққан куннинг маълум қисмидагина бир неча дақиқа

кўринадими, яна сирли равишда гойиб бўлади. Яна бир гап: Урта асрларда чизилган петроглифларда ҳам ов мавзуси асосий ўринини эгаллайди. Бу манзараларда тоғ эчкиси, жайрон овлаш жараёنлари акс эттирилган. Сармишсойда тасвирланган бундай суратларда Мўғулистан, Сибир, Сахройи Кабир, Жанубий Африка ва Европада топилган петроглифларга ўхшаб жижатлар кам эмас.

ДОНИШМАНДЛАР КИТОБИ

Бугунги кунга келиб Навоий вилоятининг Сармишсой дарасига ҳамда бу яқиндаги қуллуғ жойларга бўлган қизиқши кучайиб борапти. “Сармишсой табиий археологик мажмуа музейи қўриқхонаси”дан хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмайди. Буям киши қалбига фахр, гурур хисларини уйғотмай қолмайди. Зарафшон воҳасининг Қоратовидеги қуллуғ қоя ва чўққиларни донишмандлар китоби десак бўлади. Боиси, уни қўнган сайин янги-янги саҳифаларини очаверамиз.

...Уйимиздан шундоқкина Нурота тоғ тизмаларининг узвий бўлаги бўлиши Оқтоғ кўриниб тургани сабабли болалигимдан тоғу тошлар, дашту далапар жони дилим эди. Булар мени чинакам табиатга шайдо этган эди, десам, хато бўлмас. Шу аснода яшил ўрмонлар, пурвиқор тоғлар, қўкка буй чўзган дов-дараклар, умуман олганда, жонли табиат менинг кўнгили мулкима айлиниб улгурганди.

Хуллас, Сармишсой дараси бўйлаб қилган сафаримиз ажойиб, эсда қоларли, унутилмас таассуротларга бой ўтди. Ҳайтовур, бу тоғлар бағрида ўсган турфа ўсимлик-ўтларни, антиқа даракларни ўз кўзим билан кўрдим. Ватанимиз азиз гўшасининг бетимсол гўзаллиги, ажойиб табиат манзаралари мени мафтун этди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маърузимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:

Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
рўйхатга олинган.

Адади: 4 123

Буюртма — Г-1244

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нарҳда

Топширилиш вақти — 21⁰⁰

Топширилди — 22⁰⁰

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: Зуҳро Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.